Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси — 1931 йилдан чиқа бошлаган — 1994 йил 19 январь, чоршанба — № 5—6 (6593). Баҳоси сотувда эркин нархда.

● ШУ ЙИЛ 16 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РАСМИЙ ДЕЛЕГАЦИЯ БИШКЕКДА БЎЛДИ. МУЗОКАРАЛАРДА ДАВЛАТЛАР, ҲУКУМАТЛАР ВА БАНКЛАРАРО 8 ТА МУҲИМ ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

● ОЛИЙ ТАЪЛИМ: МАЪНАВИЯТ ВА МАФКУРА ЎҚУВИГА ОИД ЭНГ ЯХШИ МАЪРУЗАЛАР ТАҚДИРЛАНАДИ.

● КОШИФИЙ ОДОБ-АХЛОҚ ҲАҚИДА.

● МАРКАЗИЙ ОСИЕГА ХОС ЯНГИ МАКТАБ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

● БОЛАНИНГ ИМКОНИ ЧЕКСИЗМИ?

● «ТОАТ КУПИДИҢ МАЪРИФАТ ОЗИ ЯХШИ».

МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАКЛИГИ—ХАЛҚЛАРИМИЗ МУШТАРАКЛИҒИ

Маълумки, Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари— И. Каримов ҳамда Н. Назарбоев ташаббуси билан 10 январь куни Тошкентда икки давлат ўртасида ягона иқтисодий ҳудуд ташкил қилиш тўғрисида шартнома имзоланган, унга бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкинлиги баён қилинган эди. 1994 йил 1 февралдан амал қиладиган ушбу шартномага, томонларнинг розилиги билан, Қирғизистон ҳам тенг ҳуқуқли аъзо бўлди. Шундай қилиб, минтақамиздаги ишчи кучи, табиий заҳираларнинг кўп қисмини ўзида жам этган улкан иқтисодий ҳудуд барпо этилди.

ЎзА мухбирларининг хабар қилишларича, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов бошчилигидаги расмий делегациянинг Қирғизистонга амалий ташрифи давомида, шунингдек, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, маориф, сайёҳлик ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, 1994 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик, Ўзбекистон Марказий банки билан Қирғизистон Миллий банки ўртасида ўзаро ҳисобкитобни йўлга қўйишдаги битимлар, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги протоколга, савдодан ташқари тўловлар ҳақидаги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Музокаралар тугагач, Президентлар оммавий ахборот воситалари мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказдилар.

Шу куни Бишкекдаги Тўхтағул Сотилғанов номидаги Қирғиз Давлат филармониясининг муҳташам биносида Ислом Каримов маънавият ва қадриятларни тиклашга кўмаклашувчи «Руҳоният» уюшмасининг «Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик учун» Халқаро мукофотига сазовор бўлгани муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Мартабали меҳмонга нуфузли мукофот ва эсдалик совғаларини ушбу уюшма раиси Охун Тўхтасартов топширди.

Президент Асқар Акаев юксак мукофотнинг биринчи соҳиби — Ислом Каримовни самимий қутлаб, Ўзбекистон давлат раҳбарининг Марказий Осиё минтақаси халқлари ўртасида тинчлик, барқарорлик, осойишталикни сақлаш борасидаги тарихий хизматларини таъкидлади. Жумладан, «Қадрдонимиз Ислом Каримовга бу мукофотнинг берилиши ёлғиз «Руҳоният» уюшмаси ҳайъати ёки бир гуруҳ кишиларнинг қарори эмас, балки бутун Қирғизистон халқлари хоҳиш-иродасининг ифодасидир», деди.

Президент И. Каримов уюшма ҳайъатига, Қирғизистон жамоатчилигига миннатдорчилик изҳор этди. Сўнгра ташриф чоғида имзоланган ҳужжатларнинг моҳияти, хусусан, қўшни республикалар иқтисодиётини яқинлаштириш, демакки, халқларимизни жипслаштириш борасидаги аҳамияти тўғрисида батафсил гапириб берди.

Бишкекка ташриф чоғида Ислом Каримовга Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Х. Жўраев, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

* * *

Суратда: Ҳужжатлар имзоланаётган пайт.

ИСЛОҲ—ЗАРУРАТ

„Яқинда жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларининг аттестация ва аккредитация муаммоларига бағишланган семинар ўтказилди. Уни Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев очди. Вазир ўринбосари И. Турсунов, вазирлик қошидаги Давлат инспекцияси бошлиғи З. Юсупов, инспекция бошлиғининг ўринбосари И. Иброҳимовларнинг маърузалари ва ўқув юртлари масъул ходимларининг ахборотлари тингланди. Маърузалардан сўнг семинар иштирокчилари кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғинда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев ҳамда Ўзбекистон Президенти девонининг вакили З. Сатторовлар қатнашдилар.

САХОВАТ

МАМАТХОН БОБОХОНОВ СТИПЕНДИЯСИ

Аввало, Маматхон ака ҳақида икки оғиз сўз. У кишининг ижтимоий келиб чиқиши кўпчиликникидан фарқ қилмаса-да, лекин ҳаёти турли хил воқеаларга бой ва сермазмун. Ёшлик йиллари Косонсойда ўтган. Эл бошига ташвиш тушиб, уруш бошланганда биринчилар қатори фашистларга қарши жангга отланганлардан.

Урушдан кейинги йилларда туман ёшлар иттифоқи қўмитасининг котиби, мактаб директори, ижроқўм раиси, Чуст, Тўрақўрғон туманларида партия қўмитасининг биринчи котиби, айни пайтда эса Косонсой шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси сифатида фаолият кўрсатиб келаяпти.

Мустақил республикамиз келажаги фаровонлигини таъминлашда ўз масъулиятини англаган Маматхон ака яқинда хайрли ташаббус билан чиқди. Косонсой шаҳридаги 5-, 7-мактабларнинг 18 нафар аълочи, одоб-ахлоқли ўқувчилари ҳар чорак якунида Маматхон ака ҳисобидан минг сўмдан стипендия оладиган бўлди. Шунингдек, муҳтож онлалардан икки хонадонни ҳам у киши ўз қарамоғига олди.

Маматхон Бобохонов стипендиясини олишга мушарраф бўлган ўқувчилар келгусида олий ўқув юртларига кириб ўқисалар ҳам ана шу стипендия билан институтни тугатганларича узлуксиз таъминланадилар.

Ҳа, халқимизни азал-азалдан саховатпеша, топганини ўртада баҳам кўрадиган инсонлар, деб бежиз айтишмаган.

Каримжон ОХУН ўғли.

Мададталаб мактублар

ҚУРУВЧИДАН БУЗУВЧИ КЎП

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Газетангизда ўқитувчилар турмуш шароитини, мактаб-маориф ишларини яхшилашга қаратилган қатор мақолаларни ўқиганлигимиз боис арзимизни сизга айтишга қарор қилдик.

Гап шундаки, биз яшаётган Самарқанд вилоятининг Гўзалкент тумани ҳудудидаги 24-разъездда беш юздан зиёд темир йўлчилар оиласи истиқомат қилади. Лекин фарзандларимизнинг илм олишлари учун етарли шарт-шароит яратилмаган. Жигаргўшаларимиз ўқиётган мактаб жуда олисда жойлашган бўлиб, у ерга болалар гоҳ пиёда, гоҳ эшак миниб қатнашади. Машғулотларга улгуролмай китоб-дафтарини қўлтиқлаб ярим йўлдан қайтиб келган кезлари ҳам бўлган. Қишнинг совуқ кунларида эса ойлаб мактабга боролмайдилар. Ёғин-сочин, узоқ йўл тинка-мадорларини қуритади. Оқибатда тез-тез касал бўлишади.

Биз ана шу қийинчиликлардан безор бўлиб, оталиқ ташкилоти ёрдамида ҳашар йўли билан бўлса ҳам мактаб қуриб берилишини сўраб, Ўзбекистон халқ ноиби, Бухоро темир йўли бошлиғи С. Турдиқуловга мурожаат қилгандик. Мактаб биноси қурилиши учун мутасадди жойлардан рухсат олиб, ҳужжатларни ҳам тахт қилдик. Ниҳоят, 1992 йилнинг мартидан мактаб қурилиши бошланди. Ўша йили сентябрь ойида бинонинг биринчи қавати битай деб қолганди. Минг афсуски... С. Турдиқулов тўсатдан қурилиш ишлари тўхтатилишини маълум қилди. Бизга ёрдамлашаётган ташкилот раҳбари— Самарқанд темир йўл тармоғи бошлиғи И. Шавдировни ишдан бўшатишганини эшитдик. Энди қад ростлаётган зиё масканимизни бузишга қарор қилишибди. Тўрт томонга арз билан югурдик. Комиссия барча ҳужжатлар тўғрилигини аниқлаб, бино қурилишини давом эттиришни лозим деб топди.

Бироқ яқинда Самарқанд темир йўл тармоғининг янги бошлиғи М. Худоёров топшириғи билан бир нечта киши юк кўтариш машинаси ва бошқа техникалар билан келиб, қурилаётган мактаб биносини бузмоқчи бўлишди. Хайриятки ички ишлар бўлими аралашуви туфайли бино бузилмай қолди.

Мана, яна қиш келди. Аҳвол ўзгармаган — болаларимиз ҳануз қийналиб олисдаги мактабга қатнашмоқда...

Биз—уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали оналар мактаб қурилиши ниҳоясига етказилишида ёрдам беришингизни сўраймиз.

Темир йўлчилар оиласи номидан хат йўлловчилар:

Шарват ПЎЛАТОВА,
Ойнор ТОШЕВА,
Клара ҚОБИЛОВА,
Шарофат НОДИРОВА,
(Жами 37 имзо).

МОЛИЯ МУАММОЛАРИ

«Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди». Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ҳар ойда бир марта ўтказилаётган семинар-кенгашга юртбошимиз Ислом Каримовнинг юқоридаги сўзлари асос қилиб олинганлиги бежиз эмас. Дарҳақиқат, бу семинар машғулотлари иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий тафаккуримизни юксалтиришга, маориф ҳамда маънавият масалаларини чамбарчас боғлаб ўрганишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Маънавият ва мафкура ўқуви» семинар-кенгашининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти ректори Мурод Шарифхўжаев «Бозор муносабатларига ўтишда молия-кредит муаммолари» мавзусида маъруза қилди. Маърузачининг молиявий бозор ва уни юзага келтириш, молиявий муносабатларни демократлаштириш, бюджетни соғломлаштириш муаммолари, кредит муносабатларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари кенгаш қатнашчилари томонидан қизиқиш билан тингланди.

Шундан сўнг нотиқ ҳозирги куннинг долзарб молиявий масалалари хусусидаги саволларга жавоб қайтарди.

З. УСМОНОВА.

«МАЪРИФАТ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚАДРЛАНАДИ

Таҳририятимизга Наманган вилоятининг Поп туманидаги 16-мактаб ўқитувчилари ўз меҳнатларига етарли эътибор қилинмаётгани ҳақида мактуб йўллашганди. Текширишга юборилган мазкур хат туман халқ таълими бўлими томонидан ўрганилди.

Ўқитувчилар билан ўтказилган суҳбатдан маълум бўлишича, мактаб педагогик кенгаши ва касаба уюшмаси хат муаллифларига 1990 йилда «Меҳнат фахрийси» медалини бериш ҳақидаги қарорини қишлоқ кенгашига тавсия қилган, лекин бу масала ҳозиргача ҳал этилмаган экан.

16-мактаб маъмурияти ва аттестация комиссияси ўқитувчилардан Қ. Маматқулов, Х. Ҳайдаров, К. Норматов, П. Мирзаев, Т. Акбаровларнинг педагогик фаолиятларини муносиб тақдирлаб келишгани маълум бўлди. Х. Ҳайдаров 1989 йил аттестация якунига, Қ. Маматқулов эса 1990 йил аттестация якунига кўра вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирлашга тавсия этилган, Лекин улар айрим сабабларга кўра ўз вақтида эгаларига берилмаган экан. Бу хато камчилик тўғриланди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Н. Қозоқов таҳририятимизга шулар ҳақида расмий жавоб йўллайди.

АНЖУМАН ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси ташаббуси билан шу йил март ойида иқтидорли болаларнинг навбатдаги анъанавий Республика анжумани ўтказилади.

Ушбу анжуман олдидан «Ўлкашунослик» шўъбаси вилоятлардан қобилиятли ёшларни танлаб, улар билан ижодий иш олиб бориш жараёнини бошлаб юборди. Яқинда Андижон вилоятидаги болалар ва ўсмирлар марказида ёш ўлкашунослар қобилиятини синаш, уларни танлаш бўйича слёт бўлиб ўтди.

Ўлкашунос тарихчи олим С. Жалилов, табиатшунос олимлар М. Маъдиконов ҳамда Х. Назиркуловнинг иқтидорли ёшлар анжуманининг аҳамияти юзасидан қилган қизиқарли маърузалари тингланди. Сўнгра туманлардан келган ёш ўлкашунослар ўзларининг ижодий изланишлари натижаларини намойиш этишди.

Беллашув жуғрофия, тарих ва адабий ўлкашунослик ҳамда этнография, санъатшунослик бўйича бўлди. Жалолқудуқ, Булоқбоши, Избоскан ва Андижон туманларининг ўқувчилари маъруза ва кўргазмалари билан совринли ўринларни эгалладилар.

Айниқса, Жалолқудуқ туманидаги 32-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Гавҳар Зокиржонованинг адабий ўлкашунослик бўйича «Моҳларойим» деб номланган маърузаси алоҳида эътибор қозонди. Шу куни Республика иқтидорли ёшлар анжуманида қатнашадиган ўқувчилар ҳам сараланди.

Б. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашуносларнинг марказининг услубчиси.
Т. РАЗЗОҚОВ.

ФИДОЙИ МУАЛЛИМА

Мамлакатимиз мустақиллиги ҳаётимизнинг турли жабҳаларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Истиқлол туфайли миллий ва маънавий қадриятларимиз қайта тикланмоқда, тилимизга, урф-одат ва миллатимиз тарихига чуқурроқ кириб бориш, уни ўрганишга имкониятлар яратмоқда.

Гавҳар Гайнутдинова Юнусобод туманидаги 223-ўрта мактабдаги рус тилида сабоқ оладиган синф ўқувчиларига ўзбек тили фанидан дарс бериб келади.

— Илғорилари бу гуруҳларда ўзбек тилини ўргатиш шунчаки номигагина бўлиб, дарслар ҳам хўжакўрсинга ўтиларди,— дейди у.—Натижада ўқувчиларимиз ерли халқнинг тарихи, миллий маданияти ва урф-одатидан хабарсиз қолиб келар, энг ачинарлиси, даврнинг ўзи ана шундай вазиятни юзага келтириб қўйганди. Ниҳоят, фан мутахассиси сифатида бизнинг ҳам орзуларимиз рўёбга чиқди. Эндиликда давлат тили Қонунларидан келиб чиқиб рус гуруҳларида таълим олаётган ёшлар учун ихчамгина дастурлар тузиб, уни амалиётда қўллаб кўраяпмиз. Қувонарлиси шундаки, ўқувчиларимизнинг кўпчилиги илгарилари ўзбек тилида сўзлашмаган бўлсалар-да, уларнинг қисқа фурсатдаги ўзлаштириш кўрсаткичлари чакки эмас. Лекин эришилаётган ютуқлар қаторида айрим жузъий нуқсонлар ҳам учраб туради. Масалан, дарсликлар муаммоси ҳамда дарс соатларининг камлиги ишнинг жадаллашишида тўғаноқ бўлиб турибди.

Ҳа, Гавҳар опа ўз фанининг фидойиси, изланувчан, ижодкор мураббий бўлиш билан бирга қаттиққўл, талабчан муаллимадир. Рус тилида ўқийдиган мактаб ўқувчилари ўртасида ўзбек тилидан ўтказилган ўтган йилги республика олимпиадасида Гавҳар опа сабоқларини олган ўқувчиларнинг ғолиб чиқиши ҳам бежиз эмас.

Суратда: изланувчан муаллима Гавҳар Гайнутдинова ўзбек тилидан сабоқ бераётган пайт.

А. АКМАЛОВ олган сурат.

Навоий номидаги давлат мукофотига номзодлар

МАЪНАВИЯТ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон телевидениеси кейинги йилларда нодир асарлар асосида томошабоп ҳамда миллий руҳ касб этган, ҳаёт манзараларини тўлалигича намоён қилган асарларни экранга олиб чиқмоқдалар. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони, Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асарлари асосида яратилган видеофильмлар шулар сирасига киради. Бу асарларнинг 1994 йилги Алишер Навоий номидаги давлат мукофотига тақдим этилгани бизнинг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси факультети жамоасини хурсанд қилди. Чунки бу асарлар ўзининг муҳим жиҳатлари билан томошабинларга маънавий озиқ берди. Айни кунларда санъатнинг кўпгина соҳаларига янгича нуқтаи назардан ёндашаётган замондошларимиз турғунлик йилларида инқирознинг турли босқичларида қотиб қолган, парокандалик қудуғига чўкиб кетган айрим санъат турларининг миллийлик қармоғи билан тортиб олинаётганлигидан беҳад шоддирлар. Ушбу телеасарларнинг яратувчилари — постановкачи режиссёр Мақсуд Юнусов, Навоий, Бобур, Чўлпон образлари ижрочиси Муҳаммадали Абдуқундузов, постановкачи рассом Саидкамол Расулов ҳамда адабий-бадиий раҳбар Ўрол Ўтаев узоқ муддат ижодий изланишлар натижасида яхши ютуқларни қўлга киритганлар. Факультетимиз жамоаси шу хусусда фикр алмашди. Илмий кенгашимиз йиғилиши ҳам ушбу видеофильмларнинг сифати ва салмоғи ҳақида бўлди. Ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, доцент Тўхта Бобоев «Уч асар — уч буюк сиймонинг, яъни Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Абдулҳамид Чўлпоннинг дунёқарашини, уларнинг инсон ва ҳаётга бўлган сўнгсиз муҳаббатларини, жамият ва унинг ақидаларига, тартиб-қоидаларига қараш-ларию, муносабатларини ўзида мужассамлантиргандир», деди. «Бу муаллифлардан катта ижодий изланишларни, хусусан, асар қаҳрамонларининг маънавий-руҳий оламини чуқур ҳис этишни талаб қилади. Ойнаижаҳон маънавиятимиз кўзгусидир. Унда инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ турли хил масалалар ва мақсадлар кўрсатилади. Маънавиятимизда телевидениенинг, телесабоқларнинг ўрни катта, таъсири кучли. Видеофильмларга асрлар садоси, аждодлар руҳи талқинининг жо қилиниши узоқ мозийни, шу билан бирга, инсониятнинг бугуни ва келажаги билан боғлиқ орзу-ўйларини чуқур тасаввур этишимизни ифодалайди. Буни, айниқса, бош қаҳрамонлар сиймосида, воқеалар кечган жойлар, она табиатнинг сўлим гўшапари тасвирида яққол кўриш мумкин».

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили кафедрасининг мудири, академик Мазлума Асқарова ҳам телеасарларга юксак баҳо берди:

— Биз, маърифат аҳилларининг маслагимиз, фикр-қарашларимиз, онгли ҳаётимиз таълим-тарбияга қаратилгандир. Вазифамиз мустақил давлатимизнинг нурли истиқболи учун курашиш, шу йўлда Ватаннинг ўқимишли, салоҳиятли, иқтидорли фарзандларини тарбиялашдир. Видеофильм ижодкорлари биз учун ҳам катта таълимий вазифани адо этганлар. Буюк сиймоларнинг тўлақонли образларини яратиш, уларнинг кечмиши, истиқбол учун курашларини кўрсатиш томошабин учун бир мактаб бўлди. Мактаб бўлганда ҳам улуғ тарбия мактаби бўлди. Ижодкор учун мавзу танлаш ҳам санъатдир. Телевидение ижодкорлари ўз мақсадларини амалга оширишда танлаган асарлари давр учун долзарб эканлигини ҳис қилганлар...

«Лайли ва Мажнун» достонида Алишер Навоийнинг буюк ишқ тўғрисидаги гуманистик ғоялари мужассамлашади. Видеофильмда достоннинг юксак ғоявий-эстетик олами ҳамда инсон қалбининг руҳий манзаралари ҳатда, турли характерлар ва тимсолларнинг ҳатти-ҳаракатлари талқинида, лисоний жозиба ва инсоний хусусиятларни акс эттиришида, асарлардаги воқеа-ҳодисалар кечган муҳиту музофотлар тасвирларида, онатабиатнинг бемисл манзаралари ифодаси ва бошқалар мисолида яққол кўрамиз. Булар шунчаки тасвирга кўчадиган жараёнлар эмас, балки видеотасвирлардаги зикр этганимиз ва этмаганимиз қанчадан-қанча ибратли фазилатларни мужассамлаштириш учун узоқ вақт мутасил меҳнат қилиш, астойдил изланиш керак эди. Асарларда айни фазилатлар мавжуд ва шунинг учун ҳам улар томошабинларда ижобий таассуротлар қолдиради.

Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи ўтмишимиз ва маънавий меросимизни тиклашдаги катта уринишларнинг самараси. Бу роман асосида яратилган «Бобур» видеофильми ҳам томошабинлар қалбидан тез жой олди.

Маънавий маданиятнинг олий ютуғи — воқеликнинг теран қатламларига кириб, уни ўзгартиришга ундовчи ҳур ва мардона фикр — тарихий тараққиётнинг турли босқичларида барча дунё халқларига хос бўлган хусусиятдир. Видеофильмда Бобур даврига хос тарихий шароит, у босиб ўтган йўлларнинг манзаралари таъсирчан ишланган. Асар сценарийси, безаклари, характерларга мос вазиятлар тасвирини ҳосил қилиш борасида қўлланган топилдиқлар фильм ижодкорларига обрў келтиради.

Ўзбек видеофильми жуда катта тарихга ва анъаналарга эга эмас. Лекин кейинги ўн йил давомида бу соҳада шахдам қадам ташланди. Истеъдодли режиссёр Мақсуд Юнусовнинг ижоди, аниқроғи, у киши атрофига жипслашган ижодкорлар гуруҳининг яратувчилик салоҳияти натижасида бизнинг кичик экранда маданиятимизда ўчмас из қолдирган асарлар пайдо бўлди. Айниқса, Абдулҳамид Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи асосида тасвирга туширилган видеофильм ўзбек миллий киночилигида ўзига хос санъат йўлини очиб берганлиги билан алоҳида таҳсинга сазовордир.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ҳаётийлиги, миллий рангларга бойлиги, табиийлиги ва самимийлиги билан, қаҳрамонлар характерининг тўлалиги билан адабиётга катта ҳисса қўшди. Бу роман бугунги кунда бизнинг қалбимизда жўш уриб турган мустақиллик нашидаларига ҳамоҳанг. Романдаги шу хусусиятларни «Кеча ва кундуз» видеофильми ўзида мужассамлаштирган. Романни ўқимаган баъзи бир томошабинларимиз уни кўриб тарбиявий қимматини ҳис этадилар. Асар ўзимизни танишимизга ёрдам беради. Юракларимизда инсонийлик хислатларини жўш урдиради.

Видеофильмдаги образларни ижро этган артистларимиз жуда мос тушган. Телеасарнинг бош қаҳрамони Зеби дастлабки лаҳзаларданоқ кўз ўнгимизда бир баҳорий тиниқлик сифатида кўрина бошлайди. Чўлпон асаридаги бошдан охирига қадар Зеби характеридаги ана шу самимият видеофильмда ҳам сақланиб қолган.

Телеасардаги марказий қаҳрамонлардан яна бири мингбоши Акбаралидир. Бу образ ҳам видеофильмнинг ғоявий мазмунини очишда муҳим ўрин тутади. Муаллиф фикрига кўра, Зебини ҳамма қанчалик яхши кўрса, Акбаралини шунчалик ёмон кўради. Телеасардаги маҳорат яна шу ерда кўринадики, романда тасвирланган психологизм видеофильмга ҳам кўчган.

Томошабинда чуқур фикр туғдирадиган образлардан бири Мирёқубдир. Режиссёр бу образга энг маъқул артистни танлаган. Мирёқуб анча мураккаб образ. Автор ундаги қора ва оқ жиҳатларни нозиклик билан очабилган.

Хуллас, Алишер Навоий, Пиримқул Қодиров, Чўлпон асарлари асосида яратилган видеофильмлар халқимизга маърифат бериши, санъат соҳасида янгича йўллар, янгича усуллар яратганлиги билан қимматлидир.

Илмий кенгашда сўзга чиққан филология фанлари докторлари Б. Тўқлиев, Х. Мусина, Қ. Сатторов, филология фанлари номзодлари, доцентлар Қ. Орипов, Қ. Сафоев, А. Умаров, О. Ғуломова, С. Матжонлар ҳам видеофильмларнинг муваффақияти ҳақида тўхталиб, бу асарлар Навоий мукофотига муносиблигини таъкидладилар. Истиқлолимиз туфайли ноҳақ бадном этилган ижодкорлар, нодир адабиёт ва санъат асарлари ўз қадрини топаётган экан, бундан фақат қувонишимиз ва ғурурланишимиз керак.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
профессор,
Файзуллохон НАБИ,
доцент,
Нормурод АВАЗОВ,
ўқитувчи.

Мавлуда Соттиқулова Тошкент давлат университетининг биология факультетини тамомлаб, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги У. Ғойибназарова номидаги мактабда иш бошлаганига 20 йилдан ошди. Мактабда катта тажриба участкаси мавжуд. Бу ерда у ўқувчилар билан ўсимликларни пайванд қилиш, қаламчалардан кўчатлар кўпайтириш юзасидан тажриба-кузатув ишлари олиб боради.

Шунингдек, мактаб ўқувчилари Улуғбек номидаги жамоа хўжалигида чорва молларини парваришлашда ҳам баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Сиз кўриб турган суратда Мавлуда Соттиқулованинг ўқувчиларга хонаки ўсимлик ҳақида тушунча бераётгани акс этган.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

Олий таълим: маънавият ва мафкура ўқуви

ЭНГ МАЪҚУЛ МАЪРУЗАЛАР ТАҚДИРЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Маънавият ва мафкура» мавзулари бўйича семинар-кенгаш шаклида махсус ўқув олиб бормоқда. Ўқувдан мақсад Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодига ўтиш, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилиш, маънавий қадриятларимизни тиклаш, юксак онгли, юқори малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари фаолиятини янада жадаллаштириш, таълимнинг янги концепциясини жорий этишда вазирлик тизими имкониятларини мувофиқлаштиришни кўзда тутади.

Ўқувга турли фан соҳалари бўйича йирик олимлар, Тошкент шаҳар олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари жалб қилинган. Машғулотларда уларнинг илмий хулосалари, амалий таклифлари муҳокама қилиниб, тажрибалари ўрганилмоқда. Ўқув машғулотлари ойда бир марта ўтказилмоқда. Ҳозиргача муҳим мавзуда тўртта машғулот ўтказилди. Ўқилган маърузалар, улар бўйича музокаралар газетамизда ёритиб борилмоқда.

Республикамиз вилоятларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам «Маънавият ва мафкура» ўқувлари жорий этилди. Жойларда бу тизим бўйича ўтказилаётган ўқув машғулотларининг маъруза матнлари вазирликка юборилиш керак. Бу ерда ғоявий жиҳатдан пухта ва пишиқ маърузалар матнлари махсус ҳайъат томонидан кўриб чиқилиб, вазирлик томонидан тақдирланади, маъруза матнлари махсус тўпламда нашр қилинади.

Бир гуруҳ олимлар ва муштарийларнинг истакларини ҳисобга олиб, «Маънавият ва мафкура» ўқувининг бу йилги режалари рўйхатини газетамизда эълон қилишни лозим топдик.

1. Бозор муносабатларига ўтишда молия-кредит муаммолари» (маърузачи: М. Ш. Шарифхўжаев — иқтисод фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти ректори. 1994 йил 12 январь).

2. «Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг моҳияти» (маърузачи: З. А. Абдуллаев — фалсафа фанлари доктори, профессор, ТошДУ қошидаги олий педагогика институтининг кафедра мудири. 1994 йил 9 февраль).

3. «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллик мезонлари ва иқтисодий мафкурани такомиллаштириш муаммолари» (маърузачи: А. А. Абдуғаниев — иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, ТошДУ кафедра мудири. 1994 йил 9 март).

4. «Фалсафа — Ўзбекистон мустақиллик маънавиятининг мағзи (маърузачи: А. Жалолов — фалсафа фанлари доктори, профессор, ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори. 1994 йил 13 апрель).

5. «Жадидчилик ҳаракати ва унинг ҳозирги замон таҳлили» (маърузачи: М. М. Мусаев — тарих фанлари доктори, профессор. 1994 йил 11 май).

6. «Миллий мустақиллик концепциясининг методологик масалалари» (маърузачи: М. К. Орипов — фалсафа фанлари доктори, профессор, ТошДУ қошидаги олий педагогика институтининг кафедра мудири. 1994 йил 9 июнь).

Республика вилоятларининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли ўқув юртларида «Маънавият ва мафкура» ўқувлари тизимида ўтказилаётган машғулотларнинг маъруза матнлари, қачон, қаерда ўқилгани, муаллифи кўрсатилгани ҳолда, 1994 йил 15 июнгача қуйидаги манзилга юборилиши керак:

700078. Тошкент.

Мустақиллик майдони — 5.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, гуманитар таълим ва тарбия ишлари бўлими.

БОЗОР КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтиш концепцияси ишлаб чиқилган. Концепция тоталитар иқтисодий тузумдан бозор иқтисодига ўтишнинг қонун-қоидалари ва республикамизнинг ўзига хос хусусиятларига оид илмий мулоҳазалар мажмуидан иборат. Унинг ғоялари Президентимизнинг рисолалари, мақола ва нутқларида, мамлакат олий кенгашида қабул қилинган қарорлар ва қонунларда, мутахассисларимизнинг асарларида олға сурилган.

Концепцияга миллий мустақиллик назариясининг ажралмас қисми деб қараш зарур, чунки миллий мустақиллик тараққиётсиз бўлиши мумкин эмас. Бозор иқтисоди ишлаб чиқариш воситаларини юзага келтирадиган бош истиқболли йўлдир. Ўзбекистон собиқ совет империяси даврида қолоқликка маҳкум этилди. Мустақиллик йўлидан бораётган Ўзбекистон бозор иқтисодига ўтиши давр талаби ва заруратдир. И. Каримовнинг «Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида шундай сатрлар бор: «Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги йўлларини ишлаб чиқди, тартибга солинган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган». Аммо бу йўлнинг ҳамма ерда ўзига хос хусусияти мавжуд. Ўзбекистон концепцияси мана шундан келиб чиқади. Ўз йўлимиз деганда, Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олувчи йўл англашилади. Унга бозор иқтисодини республиканинг ўзига хос шароитини ҳисобга олган ҳолда — изчиллик билан шакллантириш, халқни иқтисодий жиҳатдан боқичма-боқич ҳимоя қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали эришилади.

Бозор иқтисоди истиқбол йўли, инсоният учун умумий қадрият ҳисобланади. Унинг ривожланиш қонун-қоидалари ҳам умумийлик хусусиятига эга. Ўз йўли деганда, бозор иқтисодига ўтиш ва мустақилликни таъминлаш муаммоларини биргаликда ҳал этилишини тушунмоқ керак. У Ўзбекистонни келажакда иқтисодиёти ривожланган, ижтимоий барқарорлик ҳукм сурган демократик давлатга айлантиришга мўлжалланган. Бозор иқтисоди кенг маънода эркин, юксак ривожланган ва аниқ ижтимоий мақсадга қаратилган бўлиб, иқтисодий фаолият эркинлиги, мулк шакллари иқтисод субъектларининг рақобатлашуви, хўжалик юритиш шаклларининг турли-туман бўлгани ҳолда иқтисодни тартибга келтириш кўзда тутилади.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «Етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг жиддийлиги, уларнинг ўзига хос хусусияти шу муаммоларни ҳал этишга алоҳида-алоҳида ёндашувларни белгилаб олиш заруратини тақозо этади».

Собиқ тоталитар совет империяси қарам иқтисодни мерос қилиб қолдирди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан кам ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган. Ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан аграр-хом ашё характерига эга. Саноат яхши ривожланмаган. Сўнгги 30 йил ичида саноат соҳасида миллий даромад ўзгармади. 1992 йили қишлоқ хўжалигида миллий даромад 45 фоизни ташкил этди. Ёқилғи-энергетика, хом ашё материаллари, техника-технология жиҳатлари билан бирга халқ истеъмолини қондиришда ҳам Ўзбекистон қарам аҳволга тушиб қолган. Ишлаб чиқаришнинг 40 фоиздан кўпроғи ва истеъмол молларининг 60 фоизи ташқаридан келтирилади.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи қишлоқда яшайди. Ишчи кучи суст. Аҳолининг бир соҳадан бошқа соҳага ўтиб ишлаши секин кечмоқда.

Бозор иқтисодига ўтишда Ўзбекистоннинг ўз модели бор. Бу нималарда кўринади? Биринчидан, мамлакат хусусиятлари ҳисобга олинса, иккинчидан, тўпланган тарихий тажрибалар республика шароитида ижодий тарзда қўлланилса, айни муддао бўларди. «Бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз,— деб ёзади И. Каримов,— жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётларимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир». Ўзбекистон модели Президент И. Каримов бозор ислоҳоти юзасидан олға сурган қоидаларга асосланади: иқтисодиёт сиёсатга нисбатан устивор бўлиши зарур; давлат асосий ислоҳотчи бўлмоғи, бозор иқтисодига секин-аста, боқичма-боқич ўтиб бориш шарт.

Мустақиллик, энг аввало, миллий иқтисодни барпо этиш, уни ривожлантириш, иқтисодий нуфузга эга бўлиш, халқаро иқтисодий муносабатларда фаол қатнашишни талаб этади. Иқтисодий жиҳатдан қолоқ давлат мустақил бўла олмайди.

Иқтисодиётнинг устиворлиги фақат мустақилликнинг келажагигагина эмас, балки ҳозирги вазиятга дахлдордир. Тоталитар тузумнинг тугатилиши иқтисодий тушкунлик билан боғлиқ. Иқтисодий танглик тоталитар тузумнинг мевасидир. Вужудга келган вазият аввало иқтисодни барқарорлаштириб, ривожлантириб боришни тақозо қилади. Шу сабабли давлат сиёсатида, умуман, жамият фаолиятида иқтисодиётга устиворлик берилиши давр талабидир.

Давлат асосий ислоҳотчи. Бозор иқтисодига ўтиш учун зарур бўлган ислоҳотлар жамоатчилик иштирокида, давлат ишлаб чиққан дастурлар асосида амалга оширилади. Миллий иқтисодни шакллантириш, мустақилликни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни ҳимоя қилиш, жаҳон хўжалиги билан интеграцияга эришиш, халқ манфаатини юзага чиқаришда давлат асосий роль ўйнайди.

Давлат ихтиёридаги иқтисодий механизмни йўқотиб, ўрнига бирданига бозор механизмини ўрнатиш мумкин эмас. Зотан, уни пухта ўрганмай туриб, дабдурустдан ишдан чиқариб қўйиш мумкин. Бу эса иқтисодга путур етказади. Шу боис давлат иқтисод тизгинини бирдан бўш қўйиб юбормаслиги керак. Бу иш бозор механизмининг кучайишига қараб амалга оширилади. Тоталитар тузумни бозор иқтисодига алмаштириш масаланинг фақат бир томони. Ўзбекистон фақат тараққийлашган бозор иқтисодига ўтиши мумкинки, унга кўр-кўрона ёндошиб, хўжалик юритиб бўлмайди. Иқтисодиётни амалга оширишда давлат иштироки шарт. Давлат ўз сиёсати билан бозор иқтисодига ё ижобий, ё салбий таъсир этади.

Бир қатор соҳалар борки, умуммиллий аҳамиятга эга. Улар жумласига ёқилғи-энергетика мажмуи, сув хўжалиги, темир йўл транспорти, мудофаа саноати, экспорт корхоналари ва бошқа соҳалар киради. Бу соҳалар давлат ихтиёрида бўлиб, бозор иқтисоди учун тадбиркорлик билан иш юритишни тақозо этади.

Бозор иқтисоди қонунчиликка таянади, унга хос бўлган қоидалар, иқтисодий муносабатлар қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда ўз аксини топган. Улар таркибида бозор муносабатларини тартибга келтирувчи, маълум йўналишни белгиловчи иқтисодга оид қонунлар алоҳида ўрин тутади. Мулкчилик, тадбиркорлик, молия-кредит тизими, рақобат, ташқи иқтисодий фаолият, ижара, ерга эгалик қилиш, концепция, солиқлар миллий иқтисодини ҳимоя қилиш, капитал бозори суғуртаси, гаров ва бошқалар шулар жумласидандир. Бозор муносабати тараққийлашган, ғайри қонуний фаолиятни жамият қабул қилмайди. Яхлит бозор тизимининг вужудга келиши учун унинг турли томонларига оид қонунлар бўлиши шарт. Қонунлар ҳамма фаолият турларининг узвий боғланишига хизмат қилгандагина ҳақиқий бозор муносабати қарор топади. Қонунчилик назар-писанд қилинмаган, қонунлар бузилган жойда бозор иқтисодини амалга ошириб бўлмайди. Ишнинг илгарилаб кетиши учун бозорнинг барқарорлигини таъминлаш лозим. Юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон концепциясининг унсурлари бўлиб хизмат қилади.

Икки оғиз фаол ижтимоий сиёсат юргизиш хусусида. Бу аҳолининг кенг қатламлари, энг аввало, унинг ночор гуруҳлари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш керак. Бу иқтисодий аҳволдан келиб чиқади. Биринчидан, мустақил Ўзбекистонда аҳолининг катта қисми ижтимоий ҳимояга муҳтож. Иккинчидан, Ўзбекистонда аралаш иқтисодиёт мавжуд. Учинчидан, бозор иқтисодига ўтишнинг ўзи дастлаб қатъий ижтимоий табақаланишни вужудга келтиради ва ҳимояга муҳтож халқ қатламлари кенгаяди.

Ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш имкониятларини ҳисобга олиб давлат сиёсати уни қуйидаги йўналишда амалга оширади. Айни вақтда бозор муносабатлари шаклланиши борасида аҳоли табақалашиб боради, янги ижтимоий гуруҳлар, яъни ўзига тўқ ва ҳимояга муҳтож қатламлар юзага келади. Бу сиёсат динамик равишда ривожланиб боради. У ижтимоий ҳимоянинг янги усули, яъни инфляция келтириб чиқарган қимматчилик шароитида аҳоли харид қобилиятини ҳимоя қилишни ҳам кўзда тутади. Шу мақсадда қимматчиликдан кўриладиган зарарни аҳоли даромадларини (иш ҳақи, нафақа, стипендия ва ҳ. к.) ошириш натижасида қисман ўрнини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Бозор иқтисодига боқичма-боқич ўтиш ҳақида ҳам баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман. Бу тизимлар ҳар хил негизга эга. Уларнинг ривожланиши, қонун-қоидалари ҳам ўзгача. Тоталитар тузумнинг иқтисодий фаолиятини янгича инқилобий йўл билан тугатиш, хусусий мулк ва тадбиркорликни таг-томири билан йўқотиш, унинг устидан давлат монополиясини ўрнатишга асосланади. Гап шундаки, бозор иқтисоди ғоят мураккаб тизим, таркибан ҳар хил унсурлардан иборат, улар бирдан яратилмайди, кетма-кет шаклланади. Аҳолининг тоталитар тузум шароитида ҳосил бўлган кўникмалари бор. Улар бозор иқтисоди шароитига мос келмайди. Кишиларни янги шароитда ишлаш ва яшашга ҳозирлаш ҳам вақт талаб қилади. Бу ерда гап тоталитар тузум психологиясидан бозор психологиясига ўтиш тўғрисида бормоқда. Унинг ўз боқичлари бор.

Биринчи боқич. Бунда иқтисодиёт барқарорлаштирилади, яъни савдода эркин нарх жорий этилади. Бу боқичда бозор инфраструктураси шаклланади, давлат корхоналари бозор муносабатларига мослашади, хусусий, акционерлик ва аралаш корхоналар пайдо бўлади, хусусий банклар, суғурта компаниялари, молия ва инвестиция компаниялари ташкил топади. Давлат хўжаликлари жамоа хўжаликларига айлантирилади, улардан фермер хўжаликлари ўсиб чиқади, фермерлар уюшмаси пайдо бўлади, лекин фермер хўжалиги аграр иқтисоднинг асосий бўғинига айланмайди, ер-сув давлат тасарруфида қолади. Аммо иқтисод устидан давлат назорати сақланади. Иқтисодда бир томондан режали давлат сектори бўлса, иккинчи томондан эркин бозор сектори амал қилади. Кўпчилик табиий ресурслар давлат тасарруфида қолади, лекин уларни ишлатиш юзасидан ижара муносабатлари, уларни хорижийларга бериш тажрибаси жорий этилади. Хуллас, бу боқичда турли мулкчилик пайдо бўлади.

Иккинчи боқич. Бу боқичда эркин нархга кенг ўрин берилади. Бу боқичда оғир саноатда ҳам давлат мулки ҳисобидан бошқа мулк шакллари юзага келади. Бозор муносабатига тортилган давлат корхоналари ҳам хусусийлашади. Давлат мулкининг иқтисоддаги ҳиссаси минимал даражага келтирилади. Бу боқичда банк тизимидаги давлат монополияси тугатилади, фақат Марказий банк умуммиллий резерв тизими сифатида давлат ихтиёрида сақланади. Кўпгина ёш, истиқлол йўлига чиққан давлатлар миллий иқтисодни ривожлантириш муаммоларини чет элдан келадиган молиявий ва моддий ёрдамга, айниқса, хорижий инвестициялар оқимига боғлаганлар. Булардан фарқлироқ Ўзбекистон ўз муаммоларини ўзи ҳал этади, айни пайтда чет эл ёрдамига ҳам муҳтожлик сезмоқда. Ўзбекистон ислоҳотлар асосида ўз иқтисодини янгилар экан, бошқа давлатлар билан ҳам ўзаро манфаатли асосда иқтисодий муносабат ўрнатмоқда.

А. УЛМАСОВ,
иқтисод фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти проректори, профессор.

Ранго-ранг олам

ҲАБИБ УС-СИЯР

Ғиёсиддин ХОНДАМИР

ҚУШЛАР

ТУЯҚУШ — уни шундай атаган бўлсалар ҳам учиш қобилияти йўқ. Пат-парлари борлиги, тухум қўйишини инобатга олиб, уни қушлар қаторига қўшганлар. Туяқушнинг узун бўйни, калта қанотлари бўлиб, умумий кўриниши ғоз ва товусга ўхшаб кетади. Бироқ айримларининг катталиги қўйчалик келади. Эшитиш қобилияти ўта ёмон, аслида, айтиш мумкинки, эшитмайди, бироқ ҳид билиши кучли, кўп овқат ейди, баъзан озгина сув ичмаса, умуман, сув истеъмол этмайди. Мабодо, бир оёғи синса, ҳаракат қила олмайди, охири шу азиятдан ўлади.

Туяқуш ахмоқлиги билан машҳур. Масалан, овчидан қочаётган туяқуш бошини рег (қум) ичига тиқиб «яширинади», шунда унинг танасининг бошқа жойлари мутлақо очиқ қолади. Айтишларича, туяқуш ўз тухумларини уч хилга ажратар эмиш: бир қисмидан жўжа чиқаради, бир қисмини ейди, қолган қисмини бузилиб, ичидан қуртлар чиққунига қадар қолдиради ва бу бўлажак болаларининг овқати вазифасини ўтайди. Ҳоқон Ҳусайн Бойқаро замонида кимдир туяқушни Ҳиротга олиб келган эди. Ушбу сатрлар муаллифи кўп марта шунга гувоҳ бўлганманки, бир неча кичик темир шарларни оловда қип-қизил бўлгунича қиздириб, туяқуш олдига ташлар эдилар, у тезлик билан уларни териб ер эди ва вужудининг бирон жойида қуйиш ёки жароҳат изи қолмас эди.

Амир Алишер (Навоий) шундай ҳикоя қилган эдилар: «Кичик Мирзо Ҳижоз сафаридан қайтаётиб, Ҳоқони Мансур (Ҳусайн Бойқаро — **Ҳ. Қ.**)га туҳфа тариқасида туяқушнинг бир тухумини келтирди. Бу тухум икки йилча шоҳ хазинасида қолиб кетди. Кунлардан бирида подшо хаёлига ушбу тухум тушиб, уни олиб иккига бўлиш ва пўчоғидан пиёлага ўхшаш идиш ясашни буюрди. Тухумни иккига бўлишлари билан унинг ичидан туяқушнинг тирик жўжаси чиқди». Ушбу сатрлар муаллифи (Хондамир — **Ҳ. Қ.**) агарчи бу воқеага ишониш даражаси мумкин эмаслигига ақли етар, аммо амир Алишер хусусиятларида казоблик (алдоқчилик) мутлақо бўлмаганлиги туфайли, бу воқеани асл сифатида қабул қилиш мумкин.

БУРГУТ — арабларда бу қушдан бошқа турли қушларни овлашда фойдаланилади. Кўзи жуда ўткир, тез учади. Масалан, эрталабки таомини Ироқда тановул қилса, шомда Яманда овқатланади. Бургут бола чиқариш учун учта тухум қўяди, шулардан бирини бола чиқариш учун қолдиради, чунки у ҳар учала тухумдан жўжаларини чиқарса, уларни боқишга қийналади. Оллоҳу таолонинг иноятн билан бургутнинг ташлаб кетган боласини «суяксиндиргучи» номи билан машҳур қушлар ўз қарамоғига олиб боқади, катта қилади. Айрим илм аҳлининг ёзишича, бургутларнинг барчаси мода бўлиб, ўз жинсларининг бегонаси билангина урчишадилар. Бургутнинг яна бошқа хусусияти шундаки, у қариса, болалари кўтариб Ҳиндустонга олиб борадилар ва «Баннулуқоб» номи билан машҳур чашмага олиб бориб, ботириб-ботириб оладилар. Кейин эса қуёш нури остида қолдирадилар. Шунда унинг эски патлари тўкилиб, янгиси униб чиқади. Яна бир жиҳати шуки, агар бургутнинг жигарида бирон қусур пайдо бўлса, у қуён ёки тулкининг жигарини ейди ва тузалади.

ОВ БУРГУТИ (Чуғз) — оҳуни овлашда ов бургутичалик чаққон ва ҳушёр қуш йўқ. Унинг мижози совуқ, сув ичишга ҳеч майл этмайди. Шунинг учун оғзидан доимо сассиқ ҳид келади. Айрим тарихчиларнинг фикрича, ов бургутини биринчи марта Баҳром Гўр овда ишлатган. Бошқаларнинг айтишича, Ҳорис бинни Муовият бинни Нуртахсин биринчи марта ов бургутидан овда фойдаланган.

БОЙҒЛИ — кечаси ҳеч ухламайди. Кундузи эса уйидан ташқарига чиқмайди. Кунлардан бирида Касри номли ҳукмдор энг ёмон қушни овлаб, энг ёмон ўтинда кабоб пишириб, энг ёмон одамга ешишни буюради. Шунда бойўғлини тутиб, энг аччиқ (тахир) ўтинда кабоб пишириб, золим олимга едирган эканлар. Айтишларича, агар бойўғлини ўлдирсалар, бир кўзи очиқ қолар экан. Ҳар ким агар бойўғлининг ўша очиқ кўзини ўзи билан олиб юрса, уйқуси келмас экан.

КАЛХАТ — (мушгир, ғаливож, хот, ҳадоют каби номлари ҳам бор) — «Рисолатул-сайд» асарида ёзилишича, калхат қушларнинг каттаси бўлиб, икки, баъзан уч тухумни чиқаришга қўнди. Ҳар ҳолда, уч бола чиқаради. Баъзан шундай ҳол юз берадики, калхатнинг бир тухумидан икки жўжа ҳам чиқади. Қушнинчиликда калхатдек садоқатлиси бўлмаса керак. У очликдан ўлар даражага етса ҳам, қушнисининг товуқ ва жўжаларини емайди. Кунлардан бирида бир киши Азиздан: «Калхат олти ой эркак, олти ой урғочи бўлар эмиш, шу ростми?», деб сўради. Азиз жавоб берди: «Бу маъни жавобини калхат билан бир йил давомида қўшни бўлган билади».

КАРГАС (ўлаксахўр қуш) — араблар уни «ариф» дейдиларки, барча ишлардан хабардор маънисини билдиради. У умри узоқ қушлар сирасига киради. Тўрт юз фарсах (ҳар фарсах тахминан 6 километрга тенг — **Ҳ. Қ.**) масофадаги нарсани кўра олади. Бир кунда Шарқдан Ғарбгача учиб бора олади. Яна айтишларича, ўлакса хидини жуда узоқдан пайқайди, хушбўй ҳиддан касал бўлади. Овқат ейишга ҳирси жуда баланд. Нафси ёмонлигидан баъзан шунчалик кўп овқат ейдики, йиқилиб қолади, гоҳида ўлади. Каргаснинг ўз жуфтига муҳаббати жуда баланд, агар уларни айирсалар, ўлиб қолади.

ЛАЙЛАК — жуда катта жонивор. Олимларнинг фикрича, ҳар ким лайлакнинг суягини ўзи билан олиб юрса, ғамандуҳдан ҳоли бўлади. Агар киши лайлакнинг кўзини ўзи билан бирга олиб юрса, у сузишни билмаса ҳам сувда ғарқ бўлмас эмиш.

КАПТАР — энг маъқул ва чиройли қуш, хиллари жуда кўп. Масалан, хилт, парпо, бағдодий, муштарий, шерозий, пурдам, саҳройи каби. Каптарнинг энг ажиб ва садоқатли хислатларидан бири — уни манзилидан минг фарсах йўлга олиб бориб, ўн йил асрасалар ҳам ўз маконини қумсайди ва етиб боришга интилади. Каптарлар ҳам одамлар сингари бир-бирларини севадилар ва бирлашган пайтларида бош ва юзларидан ўпишадилар. Арастунинг фикрича, каптар минг йилгача умр кўриши мумкин.

ТУТИ — хил ва ранги жиҳатидан турлича бўлади. Жумладан, Мавзулдавла Диламий даврида ўзи оқ, тумшуқлари ва оёқлари қора, бошида пистоқий рангли кокили бор хили бўлган. Султон Абусаид Мирзо даврида Ҳиндан қизил тўти келтирган эдилар. Султон Ҳусайн Мирзо замонида эса, тумшуғи қора, оёқлари қизил, ўзи оқ тўтини кўрган эдим. Айтишларича, ҳар ким ўз тўтиси тилини тушунса ва у билан гаплашса, (зарур бўлганда) ўтини еса, унинг тилида дудуқлик содир бўлмайди.

ТОВУС — қушлар ичида энг яхшиси ва чиройлиси. Уч ёшга тўлганда турли ранг ва жилоларга тўла ҳолда патлари етилади. Урғочиси бир йилда бир мартадан ўн иккитагача тухум қўяди. Қанотларини кўп силкитиши, ўйнаши натижасида тухумларини синдиради. Шунинг учун унинг тухумларини мокиён (товуқ)га босиб чиқариш учун қўядилар. Бироқ мокиён уларнинг иккитасинигина чиқариши мумкин. «Рисолатулсайд» асарида ёзилишича, энг қизиғи шундаки, эркак товус маст бўлганда унинг кўзлари атрофида ёш тўпланар ва урғочи товус уни ер экан, бу эса уларнинг насл қолдиришига сабаб бўлар экан. Бироқ Амир Низомиддин Алишер неча марта (уларнинг жуда кўп товуслари бор эди) айтган эдилар: «Мен бир неча марта эркак товуснинг ўз мокиёни билан жуфт бўлишини кўрганман». Яна ғаройиб воқеалардан бири шуки, товус заҳарли таомни кўриши биланоқ рақсга тушганга ўхшаш ҳаракат қилиб, қичқиришга тушади.

ХУРОЗ — у намоз вақтини белгилашга моҳирдир. Бироқ айрим уламо ва иш билан банд кишилар хўроз қичқиришига ишониб намозни қазо қилган пайтлари ҳам бўлган. «Саҳеҳи ихтиёр» китобида ёзилишича, Расули саллолоҳу алайҳи васаллам буюрганларки, хўроз қичқирганда оллоҳи таоло файзидан хайр тилагин, чунки хўроз бир мулкни кўради ва кейин қичқиради. Хўроз ўз мокиёнига нисбатан жуда рашкчи бўлиб, шижоат ва саховатда машҳурдир.

ТАЗАРРУЪ — ёввойи хўроз, яхши ҳаво бўлиб, шабада эсиб турган пайтда семиради, аксинча, нам, бўрон пайтида озиб кетади.

ДАРОЖ — шабада ва яхши ҳаво пайтида бемалол учадиган, қаттиқ шамол, айниқса, бу шамол жануб томондан эсганда учишга, қанотини ёйишга ҳоли йўқ машҳур қуш.

КАКЛИК — машҳурлиги туфайли таърифга муҳтож эмас. Мода каклик эркак (нар) каклик товушини эшитганидан тухум қўяди, гоҳида тупроққа беланиб оёқлари билан устига тупроқ сепади ва тухум қўяди. Каклик иккита уя қуради, нар каклик бўлиб дунёга келадиган каклларни эркак каклик (алоҳида уяда), мода каклик бўладиганини модаси босиб чиқаради. Эркак каклик модасига нисбатан жуда ғайратли бўлиб, ўн йилгача умр кўради.

ҲУДҲУД — Балқис томондан ҳазрат Сулаймоннинг расули (даракчиси) дир. У ерости сувларини одамлар шиша идишда кўргандек аниқ кўра олади. Айтишларича, ҳар ким ҳудҳуд парларини ўзида сақласа, душманлари устидан ғалаба қозонади. Агар ҳудҳудни уйга осиб қўйсалар, бу манзил эгаларини балолардан қутқаради ва эмин қолдиради.

ФОХТА (ёввойи кафтар) — одамлар билан жуда яқин яшашга майли кучли, қаерда уй қуриш имконини топса, қуриб, яшаб кетаверади. Фохта бор хонадонда илон бўлмайди, чунки илон фохта товушини эшитган заҳоти қочиш йўлини тутади. Айтишларича, у қирқ ёшгача умр кўради. Шайхулислом жаноблари «Рисолатул-сайд» асарларида бу далилни исботлаганлигини ёзганлар.

ҚАМАРИ — сўз усталари ва рисолалар муаллифларининг ёзишларича, эркак қамари ўлганда модаси бошқа нар жинси билан алоқада бўлмайди ва фироқида шунчалар йиғлайдики, охири ўлади. Айрим тарихий асарларда ёзишларича, Ҳиндистон султонларидан бири қамарига ўхшаш қушни Султон Маҳмуд Ғазнавийга туҳфа этиб юборган эдилар. Ҳар сафар заҳарланган таомни кўрса, у қушнинг кўзларидан ёш чиқиб, дийдалари атрофида тошдек қотиб қолар эди. Тошга айланган шу кўз ёшини тарашлаб, жароҳатларга суртсалар, шифо топар эдилар.

ЧУМЧУҚ — паррандаларга ўхшаб дон териб ейди, бироқ ваҳший ҳайвонларга монанд ўткир тирноқлари бор, гўшт ҳам ейди. Айрим уламоларнинг фикрича, чумчуқ умри минг йилгача етади. Бироқ чумчуқларнинг бир жойда тўпланиб яшаш одати бор, шунинг учун кўпинча бир йилдан ошиқ умр кўрмайди.

(Давоми бор).

(Бошн газетамизнинг ўтган сонларида).

Муттоз матнлар

Рубрикани Маҳмуд САЪДИЙ олиб боради

Ҳусайн ВОИЗ КОШИФИЙ

САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

Салом саломатлик маъносини ифодалайди. Агар сендан неча мавридда саломлашиш керак, деб сўрасалар, етти ҳолатда, деб жавоб бергин. Аввало: ёру дўстларни, ака-укаларни кўрганда саломлашиш керак. Иккинчи: жамоат жойларига борганингда салом беришинг лозим. Учинчи: бирон хонадонга борсанг, у ерга салом бериб киргин. Тўртинчи: бир ерда жам бўлиб ўтирган кишилар даврасига кирсанг, саломлашгин. Бешинчи: кишилар ҳузуридан тураётганингда ҳам саломлашишни унутма, уни видолашиш (хайру хуш) саломи дейилади. Олтинчи: мақбарага, қабристонга борсанг, салом бер. Еттинчи: ўз хонадонингга кирганингда ҳам оила аъзоларингга салом беришни канда қилма. Ҳаммомда салом берилмайди. Қазои ҳожатдаги кишиларга, баланд овоз билан қироат қилаётган одамга салом бермайдилар. Отлиқ пиёдага, турган одам ўтирганларга салом бериши лозим.

Кичиклар катталарга, ёлғиз одам жамоат бўлиб турганларга салом беради. Салом бераётган киши очиқ чеҳрали бўлиши даркор. Имо-ишора билан эмас, овоз чиқариб саломлашиш керак.

СЎЗЛАШ ОДОБИ

Бил, одамнинг шарафи ва ифтихори унинг қандай сўзлашидадир. Кимки, сўзлаш одобига риоя қилмаса, у инсонийлик шарафидан бебаҳра қолади.

Гап ўринли ва маъноли айтилган бўлса, уни жим туриб тингламоқ фойдалидир.

Агар сендан сўзлаш одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айт:

аввало, бемаврид гапирмаслик;

иккинчидан, лутф ила юмшоқлик билан сўзлаш;

учинчидан, очиқ чеҳра билан гапириб, афтни буриштирмаслик;

тўртинчидан, эшитувчига малол келмайдиган тарзда гапириш;

бешинчидан фақат фойдали гапларни гапириш;

олтинчидан, ўйлаб, андиша билан сўзлаш, ўйламай айтилган гап пушаймон келтиради;

еттинчидан, кишилар гапираётганда орага гап қўшмаслик, сўзини бўлмаслик;

саккизинчидан, кўп гапирмаслик. Зеро, бу фозиллар иши эмас.

Агар сендан ёмон сўз қайси, деб сўрасалар, айтгилки, кишиларга зарар келтирадиган сўз ёмон сўз ҳисобланади.

ТИЛ ОДОБИ

Сендан тил одоби қандай бўлади деб сўрасалар, шундай жавоб бер: «Яхши фикрни ифодалаш учун оғиз очиш лозим, ёмон гап учун оғизни берк тутгин».

Агар сендан қандай ҳолатларда гапириш маъқул, деб сўрасалар, шундай жавоб бер: «Дилда пинҳон бўлган нарсаларни изҳор қилиш учун мазлумларга ёрдам қўлини чўзиш ва маҳрумларнинг доду фарёдига етиш пайтида».

Нималардан тилни тийиш даркор, деб сўрасалар, шундай дегин:

Биринчи: ёлғон гапиришдан. Зеро, ёлғончилик душмандир.

Иккинчи: ваъдага хилоф иш қилишдан. Чунки бу иккиюзламачилик нишонасидир.

Учинчи: ғийбат ва бўҳтондан. Сабаби, бу фосиқлар ишидир.

Тўртинчи: жанжалдан, хусуматдан, гап ташишдан ва шайтоннинг васвасаси бўлган айбгўйликдан сақланиш.

Бешинчи: ўзни мақташ ва таърифлашдан тийилиш. Чунки булар ўздан кетиш, такаббурлик аломатидир.

Олтинчи: хизматкорларни лаънатлашдан ўзни тийиш. Чунки бу золимлар феъли-дир.

Еттинчи: ёмон дуо ва ҳақоратдан тийилиш.

Саккизинчи: одамларнинг ранжишига сабаб бўладиган кулги ва масхаралашдан сақланиш.

*

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Мурод Жўраев номли жамоа хўжалигида тикувчилик фабрикаси очилди. Фабрикада мактаб ўқувчилари учун формалар, ёш болаларга муносиб турли хилдаги кийим-кечаклар, шунингдек, кўрпа, кўрпача тикилмоқда. Хўжалик аъзолари эндиликда саноат маҳсулотлари учун узоққа бормай, шу ернинг ўзида харид қилаётирлар.

Суратда: кунлик режани ортиғи билан бажараётган тажрибали тикувчи Дилдора Эргашевани кўриб турибсиз.

Ҳ. СОЛИҲОВ тасвирга олган.

Миллий мактаб муаммолари

ШАКЛИ ЭМАС, МАЗМУНИ МУҲИМ

Ўрта Осиёга хос мактаб ёки миллий мактаблар қандай бўлмоғи керак, деган масала ўртага ташланса, кўпинча ўқувчиниг миллий кийимию мактаб биносининг ташқи кўриниши ва ўғил, қизларнинг алоҳида ўқитилиши ҳақида гапирамиз. Аслида булар ҳар бир инсоннинг имон ва эътиқодига боғлиқ нарсалардир. Биз эса ўзига хос илм маскани яратишда, аввало, унда қандай ўқитилиши керак, қандай қилсак, ўқувчилар билимини, дунёқарашини, маънавиятини бойита оламиз, гоғ-руҳшунос, мусиқашунослардан иборат бўлиши керак. Ҳар бир болага алоҳида савол, топшириқлар бериб, саломатлигини, нималарга қизиқишини эътиборга олган ҳолда, гуруҳларга ажратиб таълим бериш лозим.

Шу каби ажратувдан сўнг болалар руҳан чўкмайдиларми, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Йўқ, асло! Аъло ўқийдиганларнинг олдида кулгуга қолгунча, болага тиришқоқлик билан ўқиб, тенгқурлари билан тенглашиш осонроқ.

шулар ҳақида ўйлашимиз, фикр юритишимиз жоиз.

Хўш, Ўрта Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга хос янги типдаги мактаблар қандай бўлмоғи керак? Фикримча, янги мактаб уч бўлимдан иборат бўлиши керак. Биринчиси, бошланғич бўлим. Маълумки, бу пайтда бола бошланғич синфда ўқишни, ёзишни, санашни, ҳаттоки, чет тилларни ҳам ўзлаштира бошлайди. Бошланғич синфда бирор нарсани бўш бажардими, ўша нарса юқори босқичда ҳам ўз асоратини кўрсатади.

Шунинг учун ўқувчини 1-синфга қабул қилишга жиддий эътибор бериш лозим. Мактабда қабул аъзолари гуруҳи тузилиши, улар ўқитувчи, шифокор, жисмоний тарбия ўқитувчиси, педагоглар, ота-оналар, ҳамкасблар, ҳокимлик вакиллари, ҳомийлар, ҳаваскорлар, ҳунармандлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, ҳоким ва ҳоким ёрдамчилари, ҳоким ўринбосарлари, ҳоким ўринбосарлиги, ҳоким ўринбосарлиги ходимлари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчиларининг ҳисобчилари, ҳоким ўринбосарлиги ходимларининг ҳисобчи

Ёшларга таълим-тарбия беришда ҳормай-толмай меҳнат қилган Нуриддин ака Қамарилдинов, 14 йилдирки, кексалик гаштини сурмоқда. Яқинда Нуриддин ака шаҳсий кутубхонасидаги 300 дан зиёд китобни Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги 28-мактаб ўқувчиларига совға қилди.

Суратда: Нуриддин аканинг 28-мактаб ўқувчиларига китоб топшираётган пайти акс эттирилган.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

УСТОЗ ПЕДАГОГ

Устоз отангдан улуғ, дейди доно халқимиз. Минг-минглаб ёшларга ўзининг билими, кучқувватини бахшида қилаётган, замонамизнинг етук кишиларини тарбиялашга муносиб улуш қўшаётган ана шундай устозлардан бири Хонқа туманидаги Муқимий номидаги 18-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, олий тоифали услубчи Йўлдош ака Ҳожиевдир. Йўлдош ака 35 йилдан буён шу мактабда ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

Йўлдош ака ёшлигиданоқ адабиёт ўқитувчиси бўлишни орзу қиларди. Унда биринчи бор бу фанга меҳр уйғотган киши марҳум акаси Қурбонбой Сафоев, Саида опа Юсуфжонова ва Бекчон ака Йўлдошевлар эди. 1959 йили Томадурғадик қишлоғидаги А. Қодирий (собиқ Свердлов) номидаги ўрта мактабда иш бошлади. У иш фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ қийинчиликларга дуч келди. Мактабда адабиёт кабинетини ташкил қилиш, замонавий талаблар асосида жиҳозлаш устида бош қотирди. Ҳар бир дарсни кўргазмали қуроллар, техника воситалари, маҳаллий материаллардан фойдаланиш асосида ўтиши, дарсларнинг самарали бўлишини таъминлаши даркор эди. Шундай қилди. Кабинетни хоразмлик маҳаллий қаламкашларнинг суратлари, уларнинг ҳаёти ва ижодига доир материаллар билан бойитди, бир қанча альбомлар яратди.

Унинг ташаббуси билан мактабда туманларда яшаб ўтган ва яшаётган халфалар ҳаёти ва ижоди, халқ оғзаки ижодининг алла, ёр-ёр ҳамда лапарларни ўрганиш ишлари йўлга қўйилди.

Йўлдош ака Муқимий номидаги мактабга директор этиб тайинланди. Мактаб авария ҳолатида бўлиб, таълим-тарбия ишлари издан чиққан, кадрлар қўнимсизлиги ҳукмрон эди. Бу муаммолар кўпдан бери ечилмасдан келинарди. Й. Ҳожиев туман раҳбарияти, халқ таълими бўлими ва оталиқ ташкилотлари ёрдами натижасида 320 ўринли янги мактаб биносининг қад кўтаришига эришди. Жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда ишлаши натижасида фан кабинетлари, спорт майдончалари ташкил этилди, таълим-тарбия юқори поғонага кўтарилди. Айни пайтда мактабда 700 дан ортиқ ўқувчига 55 нафар муаллим дарс бермоқда.

Йўлдош ака туман ва вилоятда яшаб ижод қилаётган қаламкашлар ижоди ҳақида қатор илмий-методик ишлар олиб боряпти. Таниқли шоир, истеъдодли ёзувчи ва моҳир драматург, Узбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Самандаров ижоди бўйича «Эркин Самандар ижодига бир назар», «Шоир ижодида экология масалалари», «Янги романда зиёкор тимсоли», каби адабий-методик ишлари, болалар шоирлари Дўстчон Матжон ва Оллаберган Пўлатов ижодлари юзасидан «Болаларнинг севимли куйчиси», «Болалар кўзи билан дунёни англаш» (рус тилида), «Болалар дунёсига маҳлиё», ўқитувчи қаламкашлардан Сотим Аваз ва Саид Матёқубовлар ҳақида «Ижодий юксалиш сири», «Ўқитувчи армуғони», шунингдек, Эгам Раҳим, Раҳим Бекниёз, Баёний, Чокар каби адиблар ижоди ҳақида ёзган ўнлаб мақолалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Литва халқ шоири Эдуардас Межелайтис ва унинг «Инсон» асари, машҳур немис драматурги ва театр арбоби Бертольд Брехт ва унинг «Кураж она ва болалари» драмаси, «Шукуржон ва Онажон халфалар ижоди», «Хоразм халқ эртакларини ўрганиш», «Адабиёт дарсларида экологик тарбия», «Навоий ижодида одоб-ахлоқ масалалари», «Адабиёт машғулотларидан эстетик тарбия» каби мавзуларда 300 дан ортиқ илмий-методик ва публицистик мақолалар ёзди.

Домла Ҳожиев услубчи ўқитувчи ҳамдир. У бу соҳада ҳамкасбларига ёрдам қўлини чўзиб, уларга кўмак беришни ўзининг инсоний бурчи, деб ҳисоблайди. 1989 йилда воҳа муаллимларининг факультатив машғулотларни ўтишда қийналаётганлигини ҳисобга олиб, янги дастур асосида «X—XI синфлар учун адабиётдан факультатив курс» дастурини ишлаб чиқди. Бу ҳозиргача воҳа муаллимларига қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Воҳамизнинг бир гуруҳ ижодкор ўқитувчилари 1990 йилда «Ватанпарварлик ўз юрти ва элининг тарихи ва адабиётини ўрганишдан бошланади» деган ташаббус билан чиқдилар. Шунга асосан, «Хоразм ёзувчилари мактабда» маҳаллий материаллар асосида 90 соатлик ёндаш дастур ишлаб чиқилди. У дастурнинг V—IX синфлар қисмига муаллифлик қилди. Бу дастур ҳам ҳозирги кунда амалда қўлланилиб келинмоқда.

Йўлдош ака кўпгина савобли ишларни амалга оширди. Бу борада Томадурғадик қишлоғида Улуғ Ватан урушида мардлик намуналарини кўрсатган ҳамқишлоқлари фаолиятларини тўла ўрганди ва матбуотда ёритиб борди. «Дурғадикли чекист», «Тобланиш» каби очерклари шулар жумласидандир.

Шогирдсиз устоз мевасиз боққа қиёсланади. Йўлдош ака кўплаб шогирдлар етиштирди. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Масалан, Бобохон Шарипов Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бош директор, филология фанлари номзоди, доцент Умирбек Сотимов Урганч давлат университетида Жаҳон тиллари факультетининг декани, химия фанлари номзоди Қодирберди Собиров шу университетда кафедра мудири, Худойберган Сотимов Боғот тумани халқ судининг раиси, иқтисод фанлари номзоди О. Эгамов «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси, Ж. Эгамбердиев шу жамоа агрономи, Ш. Аҳмедов журналист, З. Иброҳимова бригада бошлиғи, Ўзбекистон халқ ноиби, Ш. Йўлдошев, М. Нурматов, М. Оллоқулиев, М. Қурбонбоева, С. Хўжаниёзов, О. Абдуллаев, Н. Ҳамроевлар туман мактабларида директорлик вазифаларида ҳалол ишлаб келмоқдалар.

Йўлдош ака қилган хизматлари учун республика Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, «Меҳнат фахрийси», «Мустақиллик» нишонлари, «Методист — ўқитувчи», «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» унвонлари билан тақдирланган.

Бахтиёр ҚУРБОНБОЕВ,
республика Халқ таълими вазирлиги Ўқув-методика маркази ўзбек тили ва адабиёти бўлими мудири, филология фанлари номзоди, доцент.

Машариф ОЛЛОҚУЛИЕВ,
Хоразм вилояти Хонқа туманидаги Муқимий номидаги мактаб директори, туман кенгаши ноиби.

Нуқтаи назар

БОЛА ИМКОНИ ЧЕКСИЗМИ?

Кейинги ўн беш йил ичида ўрта мактаб ўқувчиларининг ҳафталик дарс соатлари ташқари кўпайиб кетди. Чунки ҳар бир ўқитувчи ўз фанининг муҳимлигини, дарс соатлари озлигини, уларни кўпайтирмаса, бу фанни тўлиқ, мукаммал ўргатиб бўлмаслигини таъкидлайди. Бу соҳанинг олимлари ҳам дарс соатларини кўпайтиришни талаб қила бошладилар.

Халқ таълими вазирлигида қайси фаннинг ўқитилиши муҳокама қилинса, шу соҳа мутахассислари маълум фандан ҳозирги болаларнинг ёмон ўзлаштиришларини шу фанга ажратилган ҳафталик соатларнинг камлигига олиб бориб тақадилар.

Болаларимиз дангаса, ялқов бўлиб қоляпти, мактабларга меҳнат дарсларини киритмасак бўлмайди дейишиб, меҳнат дарсларини киритишди, соатларни кўпайтиришди. Лекин меҳнат дарсларини нимадан бошлаш, қандай бошлаш, нималарни ўргатиш, қаерда, қачон, қандай тугаллаш кераклиги ҳақида ҳалиҳануз бир қарорга келингани йўқ.

Жамиятимизда қўйди-чиқди кўпайиб кетди, кўплаб ёш оилалар бузилиб кетяпти деб, нималар қилишмади, нималарни ўйлаб топишмади?

Ниҳоят, буни ҳам ўрта мактабда оилавий таълим берилмайди, қўйди-чиқди кўп, шу сабаб дейишди. Соатлар ажратишди, дарсликлар ёзилди, дастурлар тузилди, ўқитиш услублари тайёрланди. Бироқ бу фанни ўқитишга мутахассис йўқ эди. Дарслик оила ҳақида ёзилди-ю, дарсликнинг муаллифи ҳам, ўқитувчиси ҳам оила ташвишларини бошидан кечирмаган тажрибасизлар бўлиб чиқди. Оила фани ўқитувчиси деган мутахассислик бўлмагани сабабли бу фан кўпинча кимнинг дарс улуши кам бўлса, ўша ўқитувчига берилди. Боз устига, мазкур фан бўйича дарсликда маҳаллий йигит-қизлар, маҳаллий оилалар ҳақида бир оғиз ҳам гап йўқ эди. Ўзбек йигит-қизларига европача оила ҳақида сабоқ берилар эди. Минг афсуски, ўрта мактабга оила фанининг кириб келиши ҳам оила бузилишларини оз бўлса-да, камайтиргани йўқ.

Болаларимиз тарбиясиз, одобсиз бўлиб кетяпти, тарбия бузиляпти дейишди. Одобнома дарсини киритишди, ҳафталик соатлар ажратишди. Бироқ бу фаннинг арқоқ-эриши йўқ. Ҳамма ўзи билган мақомига йўрғалаётир.

Одобнома дарслари ҳам дарси кам, ўз фанидан дарс соати етишмаган ўқитувчиларга берилди. Бундай ўқитувчилар аксариятининг ўзлари ҳақида ҳам «одобнома ўқитучилари» деб, киноя билан гапириш мумкин. Газеталарда ҳам одобнома дарслари ўтила бошлагач, болалар анча яхши бўлиб қолди, одобнома дарслари яхши самара беряпти деган мазмунда мақолалар пайдо бўла бошлади.

Бундай маълумотларни одобнома ўқитувчилари, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ёза бошладилар. Бунинг устига илгари синф раҳбарлари олиб бораётган тарбиявий соатларнинг мавзулари одобнома саҳифаларини безади. Одобнома дарсларида ўтилаётган мавзулар билан тарбиявий соатлардаги ишларнинг мазмуни айнан бир хил. Одобнома дарсларига кимдир отинбибиларни таклиф қилса, кимдир муллаларни, қарияларни, Ватан уруши фахрийларини таклиф қилди. Бу эса айнан тарбиявий соатлардаги учрашувларнинг ўзи-ку? Одобнома дарслари ўқув режасига киритилгандан кейин ҳам ҳафталик «тарбиявий соат» деган ташвишдан қутулмадик. Ахир бу ҳам режада йўқ соатни ташкил этади-да!

Ташкилотчилар шу икки тадбирни назорат қилгани учун маош олади. Шунинг учун улар синф раҳбарига «тарбиявий соатингни ўтказ, одобнома дарсларини нимага ўтмадинг?» деб ўдағайлайверадилар.

Ёшлар, ўқувчилар орасида жиноятчилик кучайиб кетди, деб мактабга ҳуқуқшунослик фани киритилди. Шунда ҳам жиноятчилик кучайиб кетаверган эди, ҳуқуқшунослар шовқин солишди: ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари бу фанни яхши билмайдилар, чуқур билим беролмайдилар, бу фанни ички ишлар ходимлари ўтсин! Ўрта мактаб ҳавоси бошқачароқ. Бу ерда жиноий моддаларни бирма-бир ёдлатишга вақт йўқ. Аслида қонуншунослларнинг ўзлари ҳам жиноий моддаларнинг ҳаммасини билавермайдилар. Акс ҳолда, суд жараёнларида китоб очиб қараб ўтирмасдилар.

Хуллас, ана бундай қилиш керак, мана бундай қилиш керак, ҳуқуқий тарбия бериш керак, экологик тарбия бериш керак, бола йўргаклашдан тортиб, бет ювишгача, газ печкани артишу чойнакпиёла ювишни ўргатишгача ўрта мактаб режасига киритишди. Натижада, ҳафталик дарс соатлари юқори синфларда 42 соатга бориб етди. Бунга тарбиявий соатлар, турли тўгараклар, фанлар ва спорт мусобақалари қўшилса, ўқувчининг ҳафталик иш меъёри — 50 соатга бориб қолади. Уйда ҳар куни икки соатдан уй топшириқларини бажаришини қўшсак, бу миқдор 62 соатга боради. Бу орада «эски ёзув» кириб келди. Энди бунга қишлоқ болаларини сигир ва қўйларга даладан хашак топиб келишию, уларни парваришлаш, рўзғор ва дала ишларига ёрдамлашишини қўшсак, бунга фақат бола бардош бера олишига, катта одам чидамаслигига ишонамиз!

Болани ўзи қизиқмаган, истамаган фанларни зўрлаб ўрганишга мажбур қилиш улар соғлиғига салбий таъсир кўрсатмаётирми?

Менимча, педагогик ишга ёндашишдаги иллат шундаки, бола боғчадаёқ ўзи истамаган ишларни бажаришга мажбур қилинади, унинг ўзи хоҳлаган, қизиққан машғулотлари билан машғул бўлиш тақиқланади. Узоқ муддат маълум бир қоидалар, тартиблар билан яшаш, истамаган нарсаларни бажариш ҳозирги замон кишиларини жиззаки, арзимаган нарсаларга аччиқланиб кетаверадиган қилиб қўйган. Боз устига, олтмишинчи йилдан кейин ёзилган дарсликлар ғайритабиий илмий тилда баён этила бошландики, буни ҳатто ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам базўр тушунадилар. Математикадан келаётган давлат имтиҳонларининг топшириқларини ўқувчилар эмас, манаман деган математика ўқитувчиси ҳам ечолмаётир. Бундай номутаносиб топшириқлар ақлий зўриқишни келтириб чиқараётир. Мана шундай оғир шароитда ўсиб ота-она бўлганлар ҳам асабий.

Яқин орада аёллар алла айтишни билмайди, деган шов-шувлар пайдо бўлди. Оналар нафақат алла айтишни, ҳатто фарзандларини эркалаб суюшни ҳам билмайдилар. Балки билмаганларидан эмас, буни хоҳламаганларидан қилишмас. Фарзандларни эркалаб суюш ўрнига «ҳа, кўчадан ўлигинг келгур, ҳа, бўйнинг узулгур» деб қарғайдилар. Ҳол-буки, бизнинг оналаримиз, опаларимиз, акаларимиз, дадаларимиз болаларини эркалашни билардилар.

Одобни онамиздан, меҳнатни отамиздан, иззатни опамиздан, меҳрибонликни акамиздан ўрганганмиз. Ҳозирга келиб ҳамма нарсани қўл ювишу, бет ювишгача, ўрта мактаб режасига киритиб ўтирибмиз. Оила тарбиясини, ота тарбиясини, она тарбиясини рад этяпмиз.

Ўқувчиларнинг дарс соатлари кўпайиб кетаётганлиги, дастурларнинг оғирлиги, дарсликларнинг тушунарсиз ёзилаётганлиги ҳақида ўз вақтида олимларимиз томонидан ҳам садолар берилган. Дарсларда соатлаб ўтиришлар натижасида болаларимизнинг ҳам ҳаракатлари чегараланиб қолаётганлиги, натижада бу нарса уларнинг соғлиқларига путур етказаётганлиги ҳақида ёзишган. Уларга ҳеч ким эътибор бермаган. Баъзи ўртоқлар дарс соатлари кўпайсаю, ўқитувчилар дарс соатлари билан таъминланса, маошлар кўпайса дейишган. Бола темир эмас-ку, ахир!

Ўқувчилар мазкур режадаги сабоқларни яхши ўзлаштира олмаганликларидан баъзи мактаблар ўқувчиларни табақалаштириб ўқитяпти. Яъни аълочилар синфи, ўрта ўзлаштирувчилар синфи ва паст ўзлаштирувчилар синфи.

Ишни бошлар-бошламас мақтанишга ўтдилар: «Биз шунақа янгилик бошладик, натижаси осмонда». Нима, биз ўзимизни кўрсатиб қўйиш учун, бизни мақташлари учун ишлаяпмизми?! Болаларни тўғри тарбиялайверайлик. Ўқувчиларни бундай табақалаштириш, аввало, янгилик эмас. Бундай усул Америка мактабларида қўллаб кўрилиб, сийқаси чиққан. Бу ҳақда «Дружба народов» журналининг 1988 йил 1-сонида мақола берилиб, бундай табақалаштиришнинг салбий томонлари исботи билан кўрсатиб берилган.

Ўйлаб кўринг, бир хил режа, дастур, бир хил дарслик, бир хил шароитда турлича қобилиятдаги болаларни ўқитиш! Боз устига, барча табақадаги ўқувчилар бир хил ҳуқуққа эга! Чунки ҳаммасига бир хил гувоҳнома берилади.

Ўқувчиларни қобилиятларига қараб эмас, қизиқишларига қараб табақалаштириш керак. Синфлар эмас, фанлар табақалаштирилсин.

Бизда жуда кўп фанлар ўқитилаётир. Лекин ҳаммаси ҳам юзаки ўқитилаётир. Икки қўнни қувган одам биттасини ҳам ушлай олмайди, деган ҳикмат тагида катта маъно бўлса керак. Кўп фанларни ўргатамиз деб, бирортасини ҳам тузукроқ ўргата олмаяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқув режаларини қисқартиришдек, фанларни интеграллашдек, дастурларни енгиллаштириш, қисқартиришдек ўқувчиларимиз, ёшларимиз, келажагимиз учун фойдали бўлган бир эзгу ишни бошладики, буни фақат қувонч билан олқишлаш, табриклаш лозим. Бу жуда кўп ўқитувчилар ва олимларимизнинг орзиқиб кутган мақсадлари эди. Оллоҳга минг қатла шукр, амалга оша бошлабди. Янги режа бўйича 5-синфларда давлат ва мактаб ихтиёрига берилган соатлар билан бирга ҳафтасига 34 соат ажратилибди. Лекин 5-синф ўқувчиси учун бу кўп. Она тили ва адабиёт, математика фанларини икки гуруҳга бўлиб ўтиш ҳисобига ҳафталик соатлар тенг ярмига қисқартирилса, табиёт фани 4-синфда тугалланса, меҳнат дарслари 7-синфдан бошланса, мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат машғулотлари дарсдан ташқари пайтда ўтказиш эвазига 5-синфдаги ҳафталик соатлар яна ҳам қисқартирилиб, 20 соатга келтирилса, яна ҳам яхши бўлар эди. Бунинг эвазига ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб тўгарак, факультатив машғулотларнинг самарадорлигини ошириш имконияти туғилар эди.

Ҳозирги режалар асосида ўрта мактабларнинг юқори синфларида кунига 7 соатгача машғулотлар бўлаётир. Бу нарса ўқувчиларга кўп дарсликлар кўтариб келиш, кўп фанларни бир кунда ўрганиши ҳисобига қийинчилик туғдираётир. 45 минутлик физика сабоқларини идрок қила олмай, бош мияда уни синтез қилолмай туриб, кимё сабоғи бошланади ва ҳоказо. Кўп ахборотлар гирдобида қолган ўқувчининг идроки қайси бир фанни қабул қилишни билмай қолади. Шунинг учун фанларни ўрганиш муддатларини қисқартирмоқ ҳам лозим. Чет тилларнинг иккисини ҳам таянч мактабларида тугаллаб, юқори синфларда тилларнинг бирини ўқувчиларнинг ихтиёрига бериш керак. Жисмоний тарбия ва чақириққача ёшларни тайёрлаш машғулотларини бирлаштириб бориш ёки иккисидан бирини 10-синфда тугатиш зарур. Ўз номи ўзи билан чақириққача ёшларни тайёрлаш бўлгандан кейин бундай машғулотлардан қизларни озод қилиш керак. Меҳнат машғулотларини ҳам узил-кесил таянч мактабларида тугаллаш зарур. Чунки юқори синфлар келажакда касбларга тайёрлайдиган, маълум мақсадни кўзлаган синфларга айланмоғи даркор. Хуллас, ўқув режалари ўқитувчиларнинг дарс соатларини, маошларини мўлжаллаб эмас, болаларнинг имкониятларини ҳисоблаб, улар соғлиғига, маънавий ҳаётига зарар келтирмайдиган қилиб пухта ўйлаб тузилишини истар эдик.

Аминжон ИСКАНДАРОВ,
Риштон туманидаги 4-ўрта мактабнинг олий тоифадаги инглиз тили ўқитувчиси.

Мактабгача тарбия муассасаларида

«ҚУЁШ» БОЛАЛАРИ

Кўҳна ва навқирон Хоразм диёрида намунали тарбия масканлари кўп. Улардан бири Боғот туманидаги «Қуёш» болалар боғчасидир. Бу ерда меҳнаткашларнинг 140 нафар ўғил-қизи тарбияланмоқда. Улар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган: ўйин майдончалари, жисмоний тарбия ва мусиқа зали кичкинтойлар хизматида.

Боғча тарбиячиларининг барчаси малакали мутахассислар. Услубиятшунос Ш. Жуманиёзова, тарбиячилар К. Қурбонова, М. Хўжаева, Р. Жуманиёзова, Д. Жумабоевалар тарбиявий ишларни намунали йўлга қўймоқдалар.

Ўйинчоқ ва кўргазмали қуролларнинг аксарияти тарбиячилар томонидан тайёрланган. Боғчага ёпмаён жойлашган Ойбек номидаги ўрта мактаб оталиқ ташкилоти сифатида тарбиявий ишларни такомиллаштиришда яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Маълумки, ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, боғчаларда ҳам давлат тилини ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан боғчадаги барча гуруҳларда миллий бурчаклар, ўзбек адабий тилини ўрганиш бўйича махсус бурчаклар ташкил этилган. Машғулотлар жараёнида кичкинтойларимизни буюк бобокалонларимизнинг ўлмас меросларини билан таништиришга ҳам жиддий эътибор берилаяпти.

Боғчада «Конституция» бурчаги очилган. Кичкинтойларга Конституция, давлат байроғи ва тамғаси ҳақида тушунча берилмоқда, «Ўзбекистон мадҳия»си ўрганилмоқда.

Ғ. ЕҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Тил — миллатнинг олий белгиси. Республикамиз мустақиллигини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳам тилдир. Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига тўрт йил бўлди. Ўтган даврда бу борада эришган ютуқларимиз ҳам кўп бўлди. Давлат тилига эътибор бериш, уни амалда даставвал жорий этиш бирмунча кучайди. Лекин кейинги пайтларда бу муҳим масала бир оз сусайгандай. Яхшиси, университетимиз мисолида бу борада амалга оширилаётган ишлардан мисоллар келтирмоқчиман.

Айни пайтда ўзбек тили университетимизнинг деярли барча факультетларида ўқитилаяпти. Бироқ машғулотлар учун ажратилаётган дарс соатлари кўпчиликни қониқтирмаса керак. Масалан, университетда ўзбек тилида таълим олаётган талабалар учун «Ҳозирги ўзбек адабий тили»дан атиги 20 соат маъруза ва 74 соат амалий машғулот учун вақт ажратилган, холос. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўзбек тилининг барча соҳалари ва бўлимлари ҳақида кўрсатилган соатларда талабаларга тўлиқ маълумот бериш мумкинми?

Тошкент давлат университетида рус гуруҳлари учун она тилининг барча соҳалари бўйича 240 соат белгиланган. Бизда эса русзабон талабалар учун ажратилган соатлар ўзбек гуруҳлари учун ажратилган соатлардан ҳам кам. Назаримда, ўзбек тилида таълим олувчи талабалар учун ҳам, рус тилида таълим олувчи талабалар учун ҳам давлат тилидан ажратилган соатларни кўпайтириш зарур, деб ўйлайман.

Мактабни тугаллаб келган ўқувчиларнинг кўпчилиги морфология билан синтаксисни бир-биридан фарқлай олмайди. Имловий саводхонлик тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Бу билан нима демоқчиман? Агар ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган гуруҳларда ҳам она тилидан дарс соатлари кўпайтирилса, ана шундай камчиликлар ва нуқсонлардан тезда холи бўлардик. Имкони бўлса, учинчи курснинг охиригача давлат тилидан дарс қўйилса-ю, ҳар ярим йиллик охирида имтиҳон ёки синов, ҳеч бўлмаганда тест топшириқлари олинса, фойдадан холи бўлмасди. Шундагина ўзбек тилини ҳар бир талаба яхши ўрганиши, ўзлаштириши мумкин. Ўзбек тилида сўзлашиш ёки гапиришни билган билан талаба она тилини мукаммал билади, деган хулосага келиш ярамайди. Тилни билиш сўзлашиш ёки гапириш билан ўлчанмайди. Чунки ҳар бир талабадан ўзбек тилининг ички имкониятларини, оғзаки ёки ёзма шаклларини, қонун-қоидаларини, грамматикасини, адабий тил нормаларини (меъёрларини) билиш ҳам талаб этилади. Бундан ташқари, талабаларга расмий услуб билан, яъни ўзбек тилида иш юритиш қоидаларини ҳам ўргатиб бориш керак, улар келгусида ҳаётнинг барча жабҳаларида бемалол ишлаб кета олсин. Шундагина биз кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, республикамиздаги кўпгина олий ўқув юртларида талабаларнинг нутқ маданиятини юқори савияда деб айта олмаймиз. Бунга асосий сабаб талабаларнинг фақатгина оғзаки нутқини ўстиришгагина эътибор бериб келинганидир. Чунки ўзбек бўлмаган талабалар сўзлашаётганларида кўпинча келишик, эгалик, шахс-сон қўшимчаларини тўғри қўллай олмасликлари, яхши билмасликлари яққол сезилади. Иккинчидан, гапда сўзларнинг тартибини яхши билмайдилар. Талабалар нутқини ўстиришда ўзаро суҳбатлар уюштиришдан ташқари ўзбек тили грамматикасининг қонун-қоидаларини уларга пухта сингдириш ва шу орқали ўзбек тили грамматикасини, адабий тил нормаларини эгаллашларига эришиш айни муддао бўларди.

Энди шу мавзуга таллуқли бўлган муҳим бир масала шуки, ўзбек тили ўқитишни янада яхшилаш учун методик характердаги мақолалар, кичик рисолалар, қўлланмаларни мунтазам нашр этишни йўлга қўйиш лозим. Шу билан бирга кўплаб кўргазмали қуроллар, саводхонлик ва нутқ маданиятига оид суратли китоблар, плакатлар ишлаб чиқиш, курслар ва факультетлараро, олий ўқув юртлариаро мусобақалар, баҳслар кўпроқ уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар нутқ маданиятини яхшилаш учун адабий тил нормаларини аниқ белгилаш, талабаларнинг тўла саводхонлигига эришиш, бунинг учун эса ўзбек имлосидаги (орфографияси) баъзи чалкаш ва етарли ишланмаган масалаларни ҳал қилиш керак. Чунки ўзбек тили имлосида ҳалигача етарли асосланмаган, қайта жиддий кўриб чиқилиши лозим бўлган ўринлар мавжуд. Дарсликларда ҳам илмий жиҳатдан пухта ишланган, барқарор атамаларни қўллаш ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига асосланган қоидаларни яратиш лозим. Ёзма нутқни белгиловчи асосий омил — орфография, яъни имло, оғзаки нутқни характерловчи асосий омил — талаффуз ва интонация саналади. Шу сабаб талабаларнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқига алоҳида аҳамият билан жиддий эътибор бериб бориш керакка ўхшайди.

Хуллас, буларнинг ҳаммаси талабаларга ўзбек адабий тили нормаларини пухта ўрганишга, сўзлашув тилидаги ўзгаришларни сингдириб боришга боғлиқки, бунинг учун талабаларга таълим бераётган ўқитувчининг ўз билими, савияси, дарс ўтиш маҳорати бўлмоғи лозим.

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ўзбек тили кафедрасининг ўқитувчиси.

Боболар удумин эттирар давом,
Бу юртнинг гул-ғунча, лолалари ҳам.
«Ҳосил байрами»ни тантана қилар
Қуёшли боғчанинг болалари ҳам...

Суратларда: Учкўприк туманидаги «Орзу» болалар боғчасида «Ҳосил байрами» ўтказилаётган пайт.

У. Қўшвоқов олган суратлар.

Замон ва замондош

ТАРБИЯЛИ ЗАВОЛ ТОПМАС

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Назира Аҳмедованинг ҳаёт йўли кўпчилик тенгқурларникидан фарқ қилмайди. Мана, йигирма йилдирки, у халқ таълими жабҳасида фаол хизмат қилаётир. Тошкентдаги 85-, 45- ва 41-мактабларнинг педагогик жамоалари билимдон, ғайратли, ташаббускор бу маорифчини яхши билишади. Назира Аҳмедова мактаб-маориф ишини мустақиллик рисолаларига тушириш учун жон куйдираётган ташкилотчиларнинг бири.

— Бу иш осон кечмаётир,— деди у суҳбатимиз аввалида. — Аслини олганда, осон ҳаёт кечиришга умид ҳам қилмаганмиз. Фикрлаш, тафаккурдаги қолипчиликдан, амалиётдаги қуюшқондан бирваракайига чиқиш осон эмас. Чунки биз неча ўн йиллар мобайнида шунга ўрганиб кетган эдик. Уларни одатдаги ҳол, аслида шундай бўлиши керак, деб ҳисоблардик. Оқибатда, ҳамма бир изга тушди, таълим-тарбия ишида бефарқлик, ҳадик, қолипчилик авж олди. Энди бу қусурлардан фориғ бўлишимиз қийинчилик билан бормоқда.

— Лекин, Назира Аҳмедовна, мустақил Ватанимизга муносиб, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни вояга етказиш борасида педагогик жамоангиз муайян ютуқларга эришаётгани сир эмас-ку!

— Тўғри, биз бир жойда депсиниб турганимиз йўқ. Беш-олти йил илгариги аҳволни ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади. Мактабимиз Тошкент шаҳрининг энг гавжум жойида: бир томонимиз — «Чорсу» бозори, бу ёнимизда — мардикор бозори, у томон серқатнов катта кўча. Анчагина бола турли ҳуқуқбузарлик бўйича милиция рўйхатига олинганди. Савдо-сотиққа берилган, осонгина пул топиш кўйига тушганлар ҳам оз эмасди. Бу ҳақда ота-оналари билан гаплашсак, «Ишингиз нима? Бола бизники-ку?» деб жавоб қайтаришарди.

Шунда маҳалла жамоатчилигига мурожаат қилдик. Таниқли журналист, ажойиб инсон Қамариддин Исломов ота-оналар қўмитасига раҳбарлик қила бошлади. Маслаҳатлашиб, маҳаллада қичик педагогик кенгаш ўтказишни йўлга қўйдик. Мактабда ота-оналар навбатчилигини ташкил этдик. Тартиб-интизом, ҳуқуқбузарлик, ўқишда лоқайдлик билан боғлиқ ҳар бир масала, ҳодиса кичик педсоветда кўриб чиқиладиган бўлди.

Лекин шунда ҳам «бош эгиш»ни хоҳламаган, жамоатчилик танқиди, маслаҳати ёки насиҳатини ёқтирмайдиган ота-оналар бўлди. Ундайларнинг иш жойларига мурожаат қилдик. Натижада бу тоифа ота-оналар ҳам ўз фарзандларининг ўқиши, юриш-туришига эътибор бера бошлашди. Ўқувчиларимиз орасида тартиббузарлик, ҳуқуқбузарлик барҳам топди.

— Таълим-тарбиянинг бошқа усуллари ҳам такомиллаштириб борилганлиги табиий. Шу ўзгаришлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Соғлом авлодни тарбиялашнинг ўзаро туташ уч жиҳати бор. Булар—тарбия, ўқитиш, муҳит. Бизнинг Гулобод маҳалламизда мактаб ўзига хос маданий марказ. Маърифатчи, билимли, бой ҳаётий тажрибага эга кишилар суянчиқларимиз. Кичик педагогик кенгашда маҳалла фаоллари иштирок этишади. Уларнинг ҳар бир гапи, мулоҳазаси, панд-насиҳати ота-оналар учун ҳаракат дастурига айланади.

Маҳалламиз нуқул кўп қаватли уйлардан иборат. Болалар таътил кунлари, бўш вақтларида ўйнаб, турли машғулотлар билан банд бўладиган ҳовли йўқ. Ота-она ишда. Бундай ҳолда бола «кўнгил кўчаси»га кириб кетиши қийинмас. Шуларни ҳисобга олиб, педагогик жамоамиз турли тўгараклар оча бошлади. Уларда турли кўникмалар ҳосил қилиш имконини берадиган ускуналар пайдо бўлди. Ҳозир болалар ўз қизиқишлари, майлларига кўра бу тўгаракларда шуғулланмоқдалар. Натижаси: бола фойдали иш билан банд, ота-она ишида хотиржам.

— Ҳали ҳозир мустақиллик рисоласи изланиш, ташаббус кўрсатишни тақозо этиши ҳақида гапирдингиз...

— Мустақил Ўзбекистонимиз равнақи, истиқболи ҳар бир жамоа, ҳар бир хизматчи, фуқаронинг ўз ишида ташаббускорлигига боғлиқ. Энди «юқори»дан кўрсатма, дастур кутишнинг фойдаси йўқ. Мактаблар молиявий мустақил фаолият бошлашяпти. Болаларни, билимларига кўра, табақалаштириб ўқитишга киришишяпти. Олий билимгоҳлар билан шартнома асосида айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар очишяпти.

Биз мактабимиз ҳузурида лицей синфлари очяпмиз. Қизлар синфи ташкил этиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Касбларга йўналтирилган ўқув гуруҳларида ўрта тиббиёт ходимлари, қурувчилар тайёрламоқдамиз.

Низомий номидаги Тошкент педагогика институти, Техника дорилфунунининг математика ва физика факультетлари билан шартнома асосида ҳамкорлик бошлаганмиз. Олий малакали педагоглар, олимлар ёрдами билан ўнинчи синфларга ўқувчиларни тест саволлари асосида қабул қилишга тайёргарлик кўраяпмиз. Ўқитувчиларни янгича шароитда ишлаш учун қайта тайёргарликдан ўтказмоқдамиз.

— Назира Аҳмедовна, деярли бир авлод ҳаёти мобайнида таълим-тарбия ишида иккинчи маротаба «эски усул» иборасини ишлатмоқдамиз...

— Биз 70 йил ичида эски усул мактабларини танқид қилиб келдик. Неча юз йиллар мобайнида шаклланиб, бутун бир ўлкани олам фани ва маданияти даражасига олиб чиқа олган таълим ва тарбия усулидан ўйламай-нетмай воз кечдик. Энди эса биз не-не машаққатлар эвазига шўролар даврида орттирилган ибратли жиҳатларни ҳам улоқтириб ташлаяпмиз. Ҳаётимизда қандай ўзгаришлар бўлганини, онгимиз идрокимиз, тафаккуримиздаги ўзгаришларни бирваракайига инкор эта бошладик. Ҳолбуки, биз турли таълим тизимларида нимакки ибратли, фойдали жиҳат бўлса, ҳаммасини тўплашимиз, ҳаммасидан фойдаланишимиз керак.

— «Одобнома» дарсларини ташкил этиш тажрибаси, дастлабки сабоқлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Гапни бу ишнинг ибтидосидан бошласам. Мактабимиз ўқитувчилари «Одобнома» дарсликларини, дастурларини, қўлланмаларини яратишда фаол қатнашишди. Тажрибали, юқори малакали ўқитувчиларимиздан Нурия Афзалова, Доно Юнусова, Латифа Исомова, Раҳима Икромова, Маҳамаджон Исмоновлар «Одобнома» дарсликлари мундарижасини тўлдириш, мазмунини бойитишга алоҳида ҳисса қўшишди.

Биз ёшларни миллий қаҳрамонларимиз — Туронни душманлардан ҳимоя қилиш учун куч-қуввати, ҳатто, жонини ҳам аямаган кишилар ҳаёти ва кураши мисолида тарбиялямоқдамиз.

— Мактабларда аёл ўқитувчилар кўпайиб бораётганлигининг оқибатларини қандай баҳолайсиз!

— Бу ҳол болалар тарбиясида салбий, гоҳида, ҳатто, нохуш оқибатларга сабаб бўлмоқда. Буни эътироф этмаслик, умуман, мактаб, маориф ишининг моҳиятини англамасликдир.

Ўғил бола тарбияси билан хонадонда кўпроқ ота шуғулланади. Мактабда эса ўша талаб кўпинча бўлмай қолади. Биз мактабимизда ўғил болалар кенгаши тузганмиз. Ўғил ва қиз болаларни ажратиб ўқитишни ўйлаяпмиз. Ушанда синфларнинг ўз отабеги, ўз онабеги бўлади.

Ўғил болалар кенгаши ўқувчиларда қатъият, мардлик туйғусини тарбиялашга катта эътибор бераяпти.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Она муҳаббати кўр бўлади. Фарзанднинг айбини яшира-яшира, охири газак олдириб юбориши мумкин. Баъзи аёл ўқитувчиларимизга ҳам бу хислат бегона эмас. Шуларни ҳисобга олиб, бу йил бошланғич синфларда ўғил болалар гуруҳи очмоқчимиз.

— Ҳозир метрода келатуриб, бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Уст-боши хорижона бир ўсмир вагонга кирди-да, эндигина бўшаган ўринга ўзини таппа ташлади. Катта ёшдаги кишилар бир-бирларидан андиша қилиб, ҳали ўтиришни ўйлаб ҳам кўришмаганди...

— Турмушимиздаги салбий ҳолатлардан кўз юмиш ярамайди. Жумладан, болалар тарбиясида. Ўзини бойваччалардек тутувчи тоифа пайдо бўлаётир. Бойлик 'андишасиз, худбин шахслар қўлида тўпланса, зўравонлик, муштумзўрлик кучайиши табиий. Мактаб онгли тадбиркор авлодни тарбиялашда оила билан яна ҳам яқинлашиши керак. Бу, масаланинг педагогик томони. Масаланинг иккинчи томони— қонунчиликни мустаҳкамлашдан иборат.

Ҳозир ўқувчилар кўнгли тусаганича кийинишади. Қизларимиз орасида келинчакдек ўзига оро берган, тақинчоқлар тақиб олганлари ҳам учрайдиган бўлиб қолди. Бойвачча тоифа кийиниб, тарбиячи, мураббийини ҳам менсимасдан ўтиб кетадиган йигитчалар қанча. Айтмоқчиманки, мактабимизда форма яна тикланиши керак. Олдинги ўқувчи формасини танқид ўти остига олиб, йўқ қилдик. Ҳали янгиси яратилгани йўқ. Тўғри, баъзи изланишлар бор. Биз ўз мактабимиз ўқувчилари учун либос ишлаб чиқдик. Уни Назира Парпихўжаева раҳбарлик қилаётган фабрика жамоаси тикиб бермоқчи.

Назира Аҳмедовадек куйдипишди ташкилотчилар бор экан, халқ таълими иши, бола тарбияси, соғлом авлодни, мустақил диёрнинг асл фуқароларини вояга етказиш иши завол топмайди.

Суҳбатдош Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

* * *

«Йил ўқитувчиси—93» кўрик-танлови 41-мактабда бўлиб ўтди.

Суратда: Н. Аҳмедова кўрик-танлов иштирокчилари билан (ўртада).

Ҳ. Солиҳов олган сурат.

Синаб кўринг

ҲАМ БАЙРАМ, ҲАМ ДАРС

Мен араб ва француз тиллари мутахассиси сифатида бир неча йилдирки, Қоракўл туманидаги 22-мактабда ёшларга сабоқ бериб келаман. Яқинда «Эски ўзбек ёзуви» фанидан «Алифбо байрами» ўтказдим. Унинг сценарийси тумандаги барча педагогларга маъқул келиб, оммалаштирилди. Фикримча, менинг бу тажрибамни бошқа ҳамкасбларим ҳам ўз фаолиятларида қўллаб кўришса, уни янада тўлдириб, кенгроқ фойдаланишса, ёмон бўлмасди.

Сценарий бўйича болалар даврага катта қоғозда, араб имлосида «Алифбо» деб ёзилган кўргазмани олиб киришади. Шундан сўнг **алиф, бе, пе, те, жим, чим, хе, дол, зол, син, шин, сод, зод** каби ҳарфларнинг таърифини келтириб улар асосида шеърлар ёд этишади.

Жумладан:

Алифбонинг сўнгида,
Тўртта қийин ҳарф бор,
Нун, вов, хе, йони дўстлар
Эсдан чиқарманг зинҳор.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг қисқа даврда ўрганганларини таърифлаб, улар ҳаттотликда ҳам моҳир эканликларини қайд этади, ёзувлардан намуналар кўрсатади. Сўнгра Алифбо ҳам ўқувчиларга ўрганганлари доимо ҳамроҳ бўлишини билдириб, миннатдорчилик изҳор қилади.

Болалар қўлларида ҳарфлар ёзилган турли шаклларга асосланиб,

Номим «Алиф»
Ўзим таёқ
Икки шаклим
Даркор билмоқ каби йўналишда алифбодаги ўттиз иккита ҳарфнинг таърифини келтиришади.

Ўқитувчи эса уларнинг шу даражада етишишига асос бўлган омилларни қуйидагича таснif этади:

Балли ўғил-қизларим,
Сиз менинг юлдузларим.
Бизга шу кунни берган,
Туркистон деб бонг урган
Юртимиз Ўзбекистон,
Унга бўлсин шараф-шон.

Ўз навбатида ўқувчилардан бир неча нафари севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» шеърини ёддан айтиб беради.

Шундан сўнг ўқитувчи алифбонинг яна қандай хусусиятлари борлиги ҳақида савол беради. **Алиф, дол, зол, ре, же, зе, вов** ҳарфларини кўтарган болалар «Бизлар етти оғайнимиз, инчунун, бизни етти мунфасил ҳам дейишади», дейдилар. «Мунфасил» — арабча ажралиш маъносини англатишини ҳам таъкидлаб, ана шу ҳарфлардан кейин келадигана улар қўшилмаслиги, шу боис икки хил кўринишга эгалигини қайд этадилар. Тартибга кўра, алифбодаги қолган йигирма беш ҳарфни кўтарган болалар бу ҳарфлар муттасил эканлигини, унинг арабча асл маъноси «Узлуксиз» деганини таърифлаб, шеър ўқишади.

Белгиланган шартлар асосида бу жиҳат ҳам маромига етгач, ўқитувчи араб алифбосининг бошқа хусусиятлари ҳақида сўрайди. Ўқувчилардан бири араб ёзувида қисқа унлилар ишлатилмаслигини, уларнинг ўрнига ҳарфнинг устига ва остига қўйиладиган белгилар борлигини айтади. Турли хил белгиларни кўтарган болалар унинг ёнига қўшилиб, ҳар бир белги қаерда, қай мақсадда ишлатилишини тушунтиришади, шунингдек, араб ёзувида тиниш белгилари, бош ва кичик ҳарфлар, бўғин кўчириш бўлмаслигини ҳам айтишади...

Мен тайёрлаган «Алифбо байрами»нинг қисқача сценарийси шулардан иборат. Лекин бундан ўқувчи араб ёзувини тўлиқ ўзлаштириб олади, деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки араб ёзувининг **насх, настаълиқ, шикаста, суле, рикоъ, девоний** каби хат турлари ҳам мавжуд. Уларни ўқувчи тўлиқ ўзлаштириши учун биз педагоглар тинимсиз изланишимиз лозим.

Юқорида қисқартириб келтирилган «Алифбо байрами» сценарийси ўқувчига ҳарфлар ва уларнинг қоидаларини, ёзиш йўлларини ўрганишда бир оз бўлса-да, қулайлик туғдиради.

Тўхтасин АРСЛОНОВ,
биринчи тоифали ўқитувчи.

Дарс ўтиш жараёнида ўқув кўргазмали қуролларининг нақадар асқотишини назарда тутган ҳолда пойтахтнинг Бектемир туманидаги 290-мактабда кўргазма ташкил этилди. Унда туман мактаблари ҳамда болалар боғчаларининг илғор муаллиму тарбиячилари ўзлари ясаган турли-туман кўргазмали қуроллари билан қатнашишди.

Суратларда: кўргазма залидан лавҳалар.

Усмон УСМОНОВ олган суратлар.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси Сизни адабиёт дарслигига асарлари кирган адиблар туркумидаги навбатдаги учрашувга таклиф этади. Бу галги очиқ мулоқот Ўзбекистон халқ ноиби, халқимизнинг севимли шоири Эркин Воҳидов билан бўлиб ўтади.

Учрашув шу йил 24 январь куни эрталаб соат 10.00 да Республика ўқитувчилар уйи (Ўзбекистон кўчаси, 80-уй)нинг мажлислар залида бўлади.

Очиқ мулоқотга Тошкент шаҳри мактабларининг тил-адабиёт фани ўқитувчилари, барча қизиққан ўртоқлар таклиф қилинади.

ЎҚИГАН—БИЛИМДОН

Ҳарчанд ўқибсан — билимдонсан,
Агар амал қилмадинг, нодонсан.

Буюк аллома Саъдий Шерозий бежиз бу сатрларни битмаган. Болаларни китобхонликка қизиқтирмоқ, уларни билимдон қилмоқ катталарнинг иши. Бу борада мактаб кутубхоначиларининг алоҳида ўринлари бор.

Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактаб кутубхоначисини болалар Клара опамиз деб ҳамиша ҳурмат қиладилар. Танаффус пайтидами, таътил кунларидами уни болалар қуршовида учратиш мумкин. Китоб билан олиб борилдиган оммавий тадбирларнинг турли-туманлиги ҳам ёшлар кўнглига қувонч солади. Улар табиат ҳаёти билан ҳам, жамиятдаги ўзгаришлар билан ҳам китоб орқали танишадилар. Бу борада кутубхоначининг тадбиркорлиги, болажонлиги қўл келади. Мирзо Улуғбек туманидаги 148-ўрта мактаб кутубхоначиси Алифтина Викторовна Книш ҳам ўз ишини аниқ режалар асосида ташкил этган. У ўқув йилининг бошида китобхонларни рўйхатдан ўтказар экан, уларнинг сони ошганидан хурсанд бўлади. Синфма-синф юриб, болаларни китобхонликка даъват этади. Ёшларнинг онгида эътиқод, фуқаролик ҳис-туйғусини шакллантиришни бош мақсад қилиб қўйган. «Қонун ва ҳуқуқ», «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси», «Маҳалла, оила ва мактаб», «ИИВ ходимлари билан учрашув», «Ўзбек халқининг муқаддас урф-одатлари ва анъаналари» каби оммавий тадбирларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказмоқда.

Ў. РАСУЛОВА.

Мерос

«ТОАТ КЎПИДИН МАЪРИФАТ ОЗИ ЯХШИ»

«Тариқи тасаввуф» (Навоий), яъни тасаввуф йўли — тасаввуф аҳлининг эл ишларини адо этишию шариат қоидаларига риоя қилишининг бирдан-бир тўғри йўли. Бу тариқатнинг туб моҳияти — зўр қатъиятлилик ила ёмон ахлоқдан кечмоқ ва яхши ахлоққа етишмоқдир. Бинобарин, «ризо аҳли» — борига қаноат қилувчи кишилар учун тасаввуф энг «яхши ахлоқ». Шу боис шайхул-машойихлар айтадилар: тасаввуф — нафс лаззатларидан воз кечиб, нафс манзилларини босиб ўтишдир, яъни худо йўлида нафсдан кечмоқдир. Янада лўндароқ қилиб шундай валиёна ифода этадилар: тасаввуф — ўлими йўқ ҳаёт ва ҳаёти бўлмаган ўлимдир, яъни нафсоний — ҳайвоний ҳаётда ўлмоқ ва инсоний ҳаётда яшамоқ...

Бинобарин, инсон табиатидаги салбий кучларнинг ўзини намоён этиши нафс туфайли. Ундан қутулишнинг бирдан-бир тўғри йўли нафсни ўлдириб, сабр-қаноат билан ҳалол яшаш, руҳ, яъни иродани чиниқтира бориб, инсонийликка, демакки, илоҳийликка эриша боришдир. Улуғ мутасаввифлардан бўлган Жунайд Бағдодий (вафоти 910 йил): очлиққа интилмоқ ва дунёдан илик тортмоқ бизнинг устозларимиздир, дейди. Дарвоқе, очликка интилмоқнинг маъноси не? Ахир, бу ул валий зотларнинг маърифатга, ҳақиқатга, мушоҳадага, ражо (умид)га очликларининг, Аллоҳга бўлган муҳаббатга инсонга мурувватга, ҳимматга очликларининг ифодаси эмасми?! Илик тортсалар — фақат ҳаромдан, макруҳдан, мунофиқ дайр-дундан илик тортадиларда! Комил инсоннинг умри ҳам шу-да, ахир!..

Мутасаввифлар фикрича, инсоннинг ахлоқини тузатишни инсон табиатидаги салбий, ҳайвоний кучларни маҳв этишдан бошлаш керак. Бинобарин, иймонли, яъни пок ва ростгўй, инсофли ва ҳалол авлодни тарбиялаб вояга етказа бориш зарур. Шу боис иймон инсон учун муқаддас туйғу. Зеро, иймон Ҳаққа эътиқод қилдингми, ҳеч кимни алдама, ҳалол билан ҳаромни фарқла, ёлғондан қўрқ, мутаҳамлик йўлларига зинҳор-базинҳор қадам босма, дегани. Демак, иймон топмоқ йўли комиллик — мукаммаллик йўлидир. Алишер Навоий таъбирича, ҳар киши «ёмон ахлоқ»ни бартараф қилиш билан жиддий шуғулланган тақдирдагина комилликка эриша боради, бошқача айтганда, одамизот орзу қилган жами эзгу хислатларнинг ифодачисига айлана боради:

Бордир инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқни этса бартараф.

Шу сабабли яна айтишадики, тасаввуф — ёмон ахлоқдан парҳез қилиш орқали илоҳий сифатлар нурига етишдир, тасаввуф — яхши ва олий хулққа кириш ва паст хулқдан чиқишдир...

Тасаввуфга доир нуқтаи назарлар ниҳоятда хилма-хил. Аниқланишича, XI асрга келган ёзма манбаларда тасаввуф тушунчаси ва тасаввуф оқимларининг етмиш саккиз маънодаги талқини мавжуд. Бундан чиқди, тасаввуф тадқиқ қоят мураккаб ва серқирра жараён.

Шукроналар бўлсин, Истиқлол қуёши балқиб, уларни йўқлайдиган, руҳи покларини шод этадиган кунлар насиб айлади. Айтиш мумкинки, тасаввуф аҳлининг ҳаёти, ижоди ва серқирра фаолиятларини чинакамига ўрганиш, таҳқиқ тадқиқ қилиш эндигина бошланди.

«Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасанг». Бу «Туркистон мулкининг шайхул-машойихи...» (Навоий) Хожа Аҳмад ибн Иброҳим ибн Али ал-Яссавийнинг эътиқоди. Демак, ҳалол билан ҳаромни фарқламоқ лозим: фақат ўз меҳнати эвазига тирикчилик қилиш, фақат ўз меҳнати ҳақига қул бўлиш ҳалолликдир. Шу боис улуғ шайхлар луқмани ҳалоллаб ейишга чақирганлар ва ўзлари бунга қатъий амал қилганлар. Айтайлик, Аҳмад Яссавий деҳқон ўтганлигини ҳикматларидан билса бўлади, Сайид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг номлариёқ касбларини айтиб турибди.

Яссавий шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичларини ўтар экан, ўзини хилватга тортиб, фикру зикрини Аллоҳга бахшида этишни, унинг ягоналигини идрок қилишни, бу йўлда ҳар қанча ранжалам чекишни шарт деб билди. Яъни:

Барча ишни комил тутиб шариатга,
Бошдин кечиб, қадам қўюб тариқатга,
Жон ва дилни муштоқ этиб маърифатга,
Ҳақиқат(нг) асрорига жўён бўлур.

Хожа Аҳмад Яссавий Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Ғаззолий ва Юсуф Ҳамадонийларни ўз устозлари деб билди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд — Муҳаммад ибни Муҳаммад Жалолиддин Бухорийни Хожа Муҳаммад Бобои Самосий фарзандликка қабул қилган, Сайид Амир Кулол, Ҳалил ота, Қусам Шайх сингари устозлари бўлган. Қусам Шайх тўғрисида Ҳазрат Навоий шундай ҳикоя битганлар: «Қусам Шайх — ул турк машойихидиндур. Хожа Аҳмад Яссавий хонадонидиндур. Хожа Баҳоуддин (Нақшбанд), ул сўз мужибини Мир Сайид Кулол аларга ижозат берганда деб эрдики: «Ҳар қаёндин ройиҳас димоғингизга етса, талабда тақсир қилманг», Қусам Шайх хизматига бордилар... Қусам Шайх хизматида Хожа уч ойга яқин бўлдилар. Охир ул-амр Шайх Хожага ташриф берди ва деди: «Тўққиз ўғлум бор. Сен барчасидин улуғроқ ва муқаддамроқ». Андин сўнгра ҳар қачон Шайх Нахшобиддин Бухороға келур эрди. Хожага мулозимат қилурлар эрди. Шайх дебдурки: «Бу навъ талабгорлиғки, сенда кўрубмен, толибларидин ҳеч қайсида кўрмаймен».

Нақшбандийликда: «Дилинг Аллоҳда-ю, қўлинг ишда бўлсин», деган қоида бор. Бунинг маъноси «Аллоҳни қалбингга нақшлаб, ҳалол меҳнат билан яша», дегани. Бундан ташқари, нақшбандия тариқати «зикри жаҳр, хилват ва самоъга» берилиш ўрнига жамоат ичида хилватда бўлиш, яъни зоҳиран халқ билан ва ботинан Ҳақ таоло билан бўлишга даъват этади.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафаҳотул унаммин ҳазаротул кудос» асарининг Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги саҳифаларида бундай ёзади:

«Баҳоуддин Нақшбанд (қоддаса сирруҳу) дердилар:

— «Ла илаҳа» олий табиат нафйидур. «Иллаллоҳ» Ҳақ таоло маъбудлигининг исботидир. «Муҳаммадин расулуллоҳ» ўзни «фатабаъуни» мақомига киритиш. Зикр этишдан мақсад тавҳид калимасининг ҳақиқатига етишишдур. Бу калиманинг ҳақиқати ўзга калималарни айтишдан тўла озод бўлмоқ. Кўп айтиш шарт эмас. Ҳазрат Азизон айтардиларки, ер бизнинг назаримизда суфра (дастурхон) кабидур. Биз, тирноқ юзи кабидур, деймиз. Ҳеч нарса бизнинг назаримиздан ғойиб эмас...

Тавҳиднинг сиррига етиш мумкин, лекин маърифатга етиш қийиндир.

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қоддаса сирруҳу) муборак Ҳаж сафарига боришларида Хуросоннинг улуғ кишиларидан бирига зикр таълимини берган эдилар. Хожага мурожаат қилиб дедиларки, «фалон киши зикрнинг такрори билан кам шуғулланади».

Баҳоуддин Нақшбанд (қоддаса сирруҳу) дедилар:

— Зарари йўқ.

Кейин ундан сўрадилар:

— Бизни уйқуда кўрдингми?

Деди:

— Ҳа, кўрдим.

Дедилар:

— Шунинг ўзи етарлидур» «Мовароуннаҳр мусулмонлари» мажалласи, 1993, 1-сон, 10-бет).

Демак, Вужуди мутлақ висолига етишишда ислом таълимотининг маърифат босқичи муҳим ўрин тутади. Чунки маърифат манзилида инсон Ҳақ таоло моҳиятини англашга интилиб, илму ахлоқда мукаммаллашади ва ориф деган олий номга сазовор бўлади... Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам айни шунга кўра: «Тоат кўпидин маърифат ози яхши», деган бўлсалар не ажаб?!

Зуфаржон ЖЎРАЕВ.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ИНСТИТУТИДА

1994 йил 1 февралдан халқ хўжалиги режаси асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди.

УНГА ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАРНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ:

Туман (шаҳар) ХТБ мудирлари — ўзбек гуруҳи —14—28 февраль.

Туман (шаҳар) метод кабинетлари мудирлари — ўзбек гуруҳи —14—28 февраль.

Ўрта мактаб директорлари — ўзбек гуруҳи —1—28 февраль.

ВЎМОИ жисмоний тарбия кабинети мудирлари — ўзбек гуруҳи —1—14 февраль.

ҲТБЮ жисмоний тарбия ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи —1—28 февраль.

Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (кимё, биология, география)— ўзбек гуруҳи —1—14 февраль.

Олий ва биринчи тоифали тарих ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи —1—28 февраль.

Ўзбек тили ва адабиёти чуқур ўргатиладиган мактаблар ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи —1—28 февраль.

Рус мактабларининг рус тили ва адабиёти ўқитувчилари — рус гуруҳи —14—26 февраль.

Олий ва биринчи тоифали инглиз тили ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи —1—28 февраль.

Куни узайтирилган гуруҳлар тарбиячилари — ўзбек гуруҳи —7—28 февраль.

Рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг олий ва биринчи тоифали кимё, биология ўқитувчилари — рус гуруҳи — 7—28 февраль.

Болалар уйлари ва мактаб-интернатларнинг илмий бўлим мудирлари — аралаш гуруҳ —1—28 февраль.

Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг нутқни ўстирувчи ўқитувчилари — аралаш гуруҳ —1—28 февраль.

Олий ва биринчи тоифали физика ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи —1—14 февраль.

Туман (шаҳар) ХТБ маҳкамаси методистлари — ўзбек гуруҳи —14—28 февраль.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари (мақсадли курс) — ўзбек гуруҳи —21—28 февраль.

Олий ва биринчи тоифали расм-чизмачилик ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи —1—28 февраль.

Мусиқа ўқитувчилари учун мақсадли курс — ўзбек гуруҳи —1—14 февраль.

Янги дастур бўйича ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун мақсадли курс (Фарғонада)— ўзбек гуруҳи — 1—7 февраль.

Олий ва биринчи тоифали география ўқитувчилари (Жиззахда) — ўзбек гуруҳи —14—28 февраль.

Вилоят ХТБ дарсликлар бўйича кутубхона назоратчилари — ўзбек гуруҳи — 21—26 февраль.

Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсда 1994 йил 1 февралдан 27 февралгача навбатдаги курслар ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

Туман (шаҳар) ХТБ боғчалари назоратчилари — услубчилари.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, туман (шаҳар) ХТБ болалар боғчалари мудиралари, услубчилари.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланади ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари институт ҳисобидан тўланади.

Йигирма тўрт кунликка келган курс тингловчилари санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 4 февралгача қабул қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси.

Спорт



Тошкент шаҳар Улуғбек туманидаги 378-болалар боғчасида спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Асли спортчи бўлган боғча мудири Бахтиёр Исломов болаларнинг спортга бўлган қизиқишини оширишга жонбозлик кўрсатаётир.

СУРАТДА: спорт машғулотларидан лавҳалар акс этган.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МУАЛЛИМИ

Ўшанда 1967 йил эди. Фарғона педагогика институти жисмоний тарбия факультетини тамомлаган, қалби олам-олам орзу-ҳавасларга тўла Ҳакимжоннинг қаршисида икки йўл турарди. Бири институтда қолиш.

Устозлари уни Фарғонада қолишга ундашарди. Ахир, спортнинг баскетбол, бокс, стол тенниси турлари бўйича ўзини кўрсатган, институт терма жамоаси сафида мамлакатнинг кўпгина жойларига бориб, чапдастлиги билан жамоа ғалабасига арзигулик ҳисса қўшиб келаётган аълочи, жамоатчи йигитни ким ҳам кўлдан чиқаргиси келади дейсиз?

Иккинчи йўл эса тўғри қишлоққа олиб борарди. Ана шу йўл уни кўпроқ ўзига тортса-да, барибир, юрагининг бир четида аҳил жамоаси сафида мусобақаларда қатнашиб шуҳратга бурканиш истаги ҳам йўқ эмасди. Шу тариқа Ҳакимжон ўтказиш одатга кирган, қишлоқларни ораласангиз, ҳамма ерда, ҳар қадамда «Пахтакор» жамиятининг ишлари кўзга яққол ташланарди.

Қилинган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Попликлар спортнинг кўпгина турлари бўйича вилоят миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллай бошладилар.

1979 йили Ҳакимжон Ғафуров яна севган соҳаси — ўқитувчиликка қайтди. Она қишлоғи Келачидаги мактабда ёшларга жисмоний тарбия фанидан сабоқ бера бошлади. Ҳакимжон ака ҳозир ҳам ишлаётган 8-ўрта мактаб ўнчалик катта эмас — 360 ўқувчи таълим олади. Аммо шу ўнжазгина билим даргоҳи туманда жисмоний тарбия бўйича намунали мактаблардан ҳисобланади. Катта-катта мактаблар ўқитувчилари ҳам бу ерга келиб Ҳакимжон аканинг иш услубларини ўрганиб кетишади. Мактаб талабалари спортнинг волейбол, баскетбол, қўл тўпи, стол тенниси, шахмат-шашка каби кўпгина турлари бўйича туман, вилоят мусобақаларининг доимий қатнашчиси ва ғолибидирлар.

— Бола яхши ўқиши учун аввало соғлом бўлиши керак, — дейди Ҳакимжон Ғафуров. — Ота-боболаримиз ҳам «Соғ танда соғ ақл», деб бежиз айтишмаган. Соғлом бола яхши фикрлайди, яхши ўқийди ва тўкис ривожланади.

Ҳакимжон Ғафуров ўзи яшаётган Усмон Икромов номидаги маҳалла қўмитаси ёшлар билан ишлаш ҳайъатини бошқаради. Бўш вақтларини шогирдлари, қишлоқ ёшлари орасида ўтказишга одатланган. Ёшлар ҳам ҳамиша устозга интилиб, унинг сабоқларига эҳтиёж сезиб яшайдилар. Зотан, тумандаги ўнга яқин мактабда домланинг собиқ талабалари жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлашаётгани ҳам бежиз эмас. Сайил—томошаларда, тўй—тўйчиқларда ўз шогирдларини даврага чорлаб яйрайди. Спортга кўнгил қўйган қишлоқ болаларига бор маҳоратини ўргатиш билан бирга мардликдан, ҳалолликдан сабоқ беради.

Ҳакимжон Ғафуровлар оиласини Попда педагоглар оиласи дейишади. Рафиқаси Турсуной опа ҳам кўп йиллардан бери ана шу 8-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Қизлари Раъногон эса Чуст педагогика билим юртини тамомлаб мактабда тарбиячилик қиляпти.

Яқинда илғор муаллимлар қатори Ҳакимжон Ғафуровга ҳам «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони тантанали суратда топширилди.

Мукофот муборак, домла!

О. НОМОЗОВ.

Наманган вилояти.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Абдумажит ФАЙЗИЕВ!

Сизни меҳрибон, билимдон ва тажрибали устоз, раҳбар сифатида ардоқлаймиз. 63 ёшга тўлиб, ўз муаллимлик фаолиятингиз давомида қанча-қанча шогирд етиштирдингиз.

Бугунги қутлуғ кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, тинчлик ва осойишталик тилаймиз.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани халқ таълими бўлими ҳамда 57-ўрта мактаб жамоаси.

Қадрли Сапура АЗИЗОВА!

30 йилдирки, жамоамизда фаолият кўрсатиб келяпсиз. Шу давр мобайнида жумҳуриятимизнинг минглаб муаллимлари Сизнинг сабоғингизни олишиб, ўзларининг касбий маҳоратларини оширишган.

Туғилган кунингиз муносабати билан Сизни чин кўнгилдан муборакбод этамиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг, Ижодингизга барака.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти жамоаси.

Ҳурматли Клара ТОЖИЕВНА!

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги М. Мажидов номидаги 82-мактаб жамоаси Сизни ўзбек тили ва адабиёти фани билимдони ҳамда камтарин инсон сифатида ҳурмат қилади, эзозлайди. Ҳар бир юрак ўзига малҳам истагандек, ширин-ширин ўгитларингизни тинглагиси келади.

Бугун муборак айём — таваллудингиз муносабати билан Сиз ҳақингизда қанча гапирсак, шунча оз.

Доимо соғ-омон бўлинг!

Мактаб жамоаси.



Азиз онажонимиз Раҳимахон ОРТИҚОВА!

Сиз Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидаги 266-мактабда қатор йиллардан бери бошланғич синфларга муаллимлик қиляпсиз. Олижаноб ва шарафли касбингиз туфайли жамоада обрў-эътибор қозониб, эзозда-сиз.

Онажон биз Сизни туғилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Яратгандан узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг.

Фарзандларингиз Гўзал ва Умиджон.

УСТА

Ҳикоя

Иморат қурила бошланди-ю, Ғанижоннинг боши ғалвадан чиқмай қолди. Мактабдаги болаларнинг қий-чуви хотининнинг бир оғиз «ширин» сўзи олдида ҳолва экан.

— Деворингиз қинғир-қийшиқ-ку! Шабадага ҳам йиқилиб кетади...

Гоҳи-гоҳида тўсатдан бошланадиган бундай кесатиқ, пичинларга Ғанижон тутақса ҳам, кўпинча сиртига чиқармас, «у баланддан келса, мен пастроқда юрай», қабилида иш тутарди.

— Озодахон, кўриб турибсиз-ку, етти ўлчаб бир кесяпман. Пардоз берилса, ойнадай ялтираб кетади.

— Юз марта айтдим сизга, устани олиб келайлик, деб. Бу ёқда телевизор ҳам бузуқ.

— Кечкурун бир кўриб қўярмиз...

— Яқинига ҳам йўламанг, кейин утилхонани қидириб юрмайлик.

— Бўпти, боравер, ишдан кечга қоласан. Бундан кейин мих қоқишга ҳам, қум элашга ҳам уста чақирамиз...

— Сенсираманг! Ҳамма нарсани ўз устаси қилгани яхши, дейман. Отпускангиз ўтиб боряпти. Сиз бўлса бир оёғингиз шаҳарда — ҳали фалончининг тўйида ош дамлайсиз, ҳали пистончининг ҳашаридан қўлингиз бўшамайди...

Ғанижон том устида теша ушлаганича ўйчан туриб қолди. Нима десин? Уч йилдан бери аҳвол шу. «Утирса ўпоқ — турса сўпоқ». Не-не эзгу ниятлар билан колхозга кўчиб келишмади. Бир кун дийдор кўришмаса юлдуз санаб чиқадиган студентлик даврида у иболи, мулоҳазали қиз эди-ку. Нега ўзгариб қолди? Нега тўйимда тўйбоши, ғамимда дардкаш дўстларимдан мени совутмоқчи? Жеркиб ҳам кўрдим, суйиб ҳам кўрдим, лекин сувга айтилган тошдек таъсири бўлмади. Гоҳо жаҳлдан қизариб-бўзариб турган пайтларимда «Қўйинг, ўзингизни босинг, юрагингиз ишдан чиқади» дейди-да, пиёла олиб сувга югуради. Ҳайрон бўламан, бу феълми — синалмаган дорими, деб. Жаҳлдан тушгач, яна унга ачиниб кетаман. Ахир, яқиндагина унинг қўлига зирапча кирса юрагимга тиғ санчилгандек бўларди-ку. Тўғрисини айтсам ҳозир ҳам шундай. Бир куни жаҳл устида бехосдан: «Судга ариза бераман, тинчгина ажрашиб қўя қолайлик», дедим. У етти ухлаб тушимга кирмаган, такрорлаб бўлмайдиган шундай ёқимли боқиш қилдики, тилим танглайимга ёпишиб қолибди. Шунда қулоғим остига қайноқ нафас урилди. «Суд ҳам, прокурор ҳам юрагингиз, у энг одил ҳукм чиқариши мумкин. Қани, ундан сўраб кўрингчи!» Мабодо юрагим тош метин бўлганда ҳам бундай ҳароратли сўзлардан мумдай эриб кетган бўларди. «Қизиқ, шундай меҳрибон аёл нима сабабдан кўнглимга озор беради? Ёки у илмий мудир, мен эса оддий ўқитувчи бўлганлигим учунми? Ундай бўлса, нега фақат уйда «дийдиё»сини бошлайди. Шундай пайтларда чарақлаб турган юлдузлар ҳам кўзимга нурсиз бўлиб кўринади. Нега шундай? Нега, унинг омад ғилдираги фақат пастликка қараб думалайди. Балки, айб ўзидадир. Аёл кўнглининг кўчасига қайси йўлдан киришликни ўйлаб кўрмаганлигидандир. Нега шу оддий нарсалар илгарироқ миясига келмабди. Йигитлик ғурури йўл қўймадими? Ўз ғурурини ўйлабди-ю, уники ёдига келмабди-да...

Ҳашарга айтилган оғайнилари келганда Ғанижон оғир ўйлардан ҳали қутулмаган, қўлидаги тешаси ерга тушиб, кераксиз буюмдек тупроққа қоришиб ётарди. Кўнглидан лип этиб «сен ҳам шу буюмнинг ҳолига тушсанг-а», деган фикр ўтди-ю, оёғида чаён ўрмалагандек сесканиб кетди.

Кўпдан қуён қочиб қутилмас экан. Шипнинг фанери ҳам, том ҳам битди. Ғанижон китобчага тикилавериб, телевизорнинг ишкал жойини топиб, тузатди. Бир-икки «чарчоқ ёзди»дан кейин, қадрдони Ёдгорга «сен қол, гап бор» ишорасини қилди ва катта журъат билан юрак сирларини суҳбат дастурхонига тўкди.

— Бахтли бўлишингга ишонаман, — деди вазминлик билан Ёдгор суҳбатдошига атайлаб қарамай, — қўлингдан келмайдиган ҳунаринг йўқ... Мана бизнинг уйни ҳам ўзинг тиклаб бергансан...

— Яхшиси, фалсафангни қўйда, лўнда қилиб қайси эшикдан кириб, қайси туйнукдан чиқишимни ёки қайси тошга бошимни уришимни айт!

— Қизишма, дўстим, ҳаётий муҳим масалаларни бир зумда ҳал қилиб бўлмайди. Ахир, дарахтнинг латофати бўй-сумбатида эмас, мевасида бўлишини ўзинг яхши тушунасан. Фақат жаҳлинг жиловини тута олсанг, таги олтин сабрнинг қадрига етолсанг бўлгани.

Шу топда ҳаёт Ғанижоннинг олдида гўё ихтиночи ғаладонидаги ишлардек жумбоқли кўриниб кетди.

Ёдгор дўстининг ажин туша бошлаган пешанаси, қоп-қора кўзлари ва кенг яғринига қараркан, жилмайиб қўйди. Ғанижон бу жилмайишдан «Ғилдирак мурватини бир зумда тузатиш мумкин-у, лекин қаршингда ҳаёт ғилдираги кўндаланг турганда пухта, узоқни кўзлаб иш тутиш керак» деган маънони ўқди-да, ичида «Мияси тўла ақл, ўйламасдан тилига зўр бермайди, бу тилшунос» деб қўйди.

Бугун Ғанижоннинг туғилган куни. Ҳали замон қадрдонлари жуфт-жуфт бўлиб келишлари турган гап. Кечгача хурсандчилик бўлади. Эрталабдан кайфияти зўр эди, аммо хотини яна ҳарҳаша қилди. Кўнгиллари гилосни тўсаганмиш. Пишмаган нарсани қаердан оламан? Ёдгорга учрашиш керак.

Ғанижон дўстиникига чой устига кириб бориб, етилган тарвуздай тез ёрила қолди. Гап мағзини чаққан Ёдгор «хо-хо»лашга тушди.

— Оббо, дўстим-ей, уйингдаги гилос гуллабди-ю, сен бўлсанг... Тўққиз ой-у тўққиз кундан кейин мевасини ҳам кўраверасан.

Ғанижоннинг сабри чидамади:

— Қибрайда бир боғбон танишим бор. Тўйларида хизмат қилганман. Ўшанда у ҳазиллашиб: «Гилоснинг қишда пишар навлари ҳам бор», деганди. Қани, кетдик.

Озодахон эри ҳаллослаб олиб келган, эндигина рангга кирган гилосларни ҳовучлаб олди-да, эркаланиб, Ғанижоннинг бўйнига қўлларини ташлади. Ўтирса ер ўпадиган сочларидан ташқаридагидек баҳор ҳиди келарди.

Абдунаби МАННОПОВ.

Билиб қўйган яхши

БЕНЗИН БУҒИНИНГ ЗАРАРИ

Автомобилдан чиқадиган газнинг зарари кўп. Унда чала ёнган ёнилғи буғлари, турли кимёвий бирикмалар, жумладан, ис гази бўлади. Баъзан ҳайдовчилар техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмай автомобиль кабинасида двигателни ўчирмасдан ухлайдилар. Бу ҳаёт учун хавфли, Шунингдек, улар бензинни бир идишдан иккинчисига қуйиш пайтида шлангни оғзига оладилар. Ҳолбуки, бензинни шланг орқали оғизда тортиб олиш соғлиқ учун катта зарар.

Этилли бензин, айниқса, хавфли бўлади. Бундай бензинда ва унинг буғида бўладиган тетраэтилсвинец асаб системасига таъсир қиладиган кучли заҳар ҳисобланади. Шунинг учун этилли бензинни биноларда сақлаш, автомобиль салонларида ташиш ва турмушда бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Бензин буғи, автомобиль гази билан заҳарланган беморни тоза ҳавога олиб чиқиш, пахтани нашатир спиртига ҳўллаб ҳидлатиш ва тезда врач чақириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика илмий-педагогик кутубхонаси жамоаси шу кутубхонанинг хизмат кўрсатиш ва китоб сақлаш бўлими мудири Холсоат Чориевага отаси

Тожи ЧОРИЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти маъмурияти ва касаба уюшмаси психология кафедрасининг доценти Рихсибой Тошимовга синглиси

Маҳмуда МАҚСУДОВА

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда умумий педагогика кафедраси жамоаси шу кафедра доценти, педагогика фанлари номзоди

Тоир ЮНУСОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қавму қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 229-мактаб жамоаси директор Розахон Қурбоновага волидаи муҳтарамаси

Анора ДАВЛАТ қизининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ИНГЛИЗЧАНИ БИЛАСИЗМИ?

9—10-синфларда таҳсил олаётган 50 нафар ўзбекистонлик ўқувчи янги ўқув йилини Америкада бошлайди. АҚШнинг таълим ва тил ўрганиш бўйича Ўзбекистон ҳамкорлик ташкилоти —Аксельс иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш мақсадида вилоятларда тест синовлари ўтказмоқда.

Мазкур ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси вакили Брайн Роберт Бушли республика Халқ таълими вазирлиги мутахассислари билан Бухорода бўлди. Улар вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида туманлардан келган мактаб ўқувчиларини имтиҳондан ўтказдилар. Иқтидорли ўқувчилар Тошкентда ўтказиладиган учинчи босқич синовларида қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Тақриз

БАХТ КИТОБИНИНГ БИТИЛИШИ

Боқий Мирзо — Чортоқ туманидаги 6-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Қўлимда унинг «Янги кун» номли тўплами.

У ўзининг дастлабки машқларидаёқ:

Қалам юрагимнинг қобирғасидан,
Сиёҳ — етмиш йиллик ғамнинг зардоби.
Бошимда бу савдо тураркан тинмай,
Қандай битиларкан бахтнинг китоби?! —

деган эди. Бу сатрлардан шоирнинг мамлакакати, эл-улус қайғусига ачиниши, юракдан ёнишини ҳис этибгина қолмасдан, балки ўсиб улғайган замини, юртдошларига бўлган меҳр-муҳаббатини ҳам англаш мумкин.

Барча шоирлар каби Боқий Мирзо ҳам дард, армон, қайғу, шодлик ва муҳаббатни, ҳурмат ва эҳтиром, меҳр-оқибатни чин дилдан, эҳтирос билан куйлайди.

Биз шу ўринда унинг ушбу шеърлар тўпламига (тақризчи — филология фанлари номзоди Маҳмуджон Маъмуров. Нашр учун масъул: Олимжон Нурматов, Сайдулло Ғайбуллаев) мансуб айрим шеърларидан мисол келтирамиз.

Шоир бир шеърида:

Очилдингиз жуда чиройли,
Бугун келиб узун бармоқлар.
Олиб кетди жавоҳирингиз,
Сизга нима қолди, чаноқлар?! — дейди.

Бундай рамзий маънолар фақат изланувчан, янгилик яратувчи шоирларгагина хос дир.

«Қизни ким айтмайди, қимизни ким ичмайди» деган қозоқларда бир чиройли ҳикмат бор. Навоий замонидан тортиб Машрабгача, Муқимий давридан ҳозиргача шоирлар севгини куйлаб, ардоқлаб келганлар. Боқий Мирзо ҳам севгини, муҳаббатни, севишганлар тақдирини ўзича талқин қилади: висол оғушида ёнади: ўртанади, илтижо қилиб ёлворади:

Ошиқларга тилмоч бўлган шоирингман,
Минг тирилиб, минг бор ўлган шоирингман.
Ҳасратларга баҳри тўлган шоирингман,
Қачон тугар дунёнинг бу савдолари?! —

деб машрабона бевафо ёрнинг ишқида қоврилади.

Шоирнинг мавзуси ранго-ранг.

Боқий Мирзонинг шеърий тўпламидан қадимий Турон юрти фарзандларининг ботирликларини тараннум этувчи ҳаяжонли ва эҳтиросларга тўла ўқишли шеърлар билан бирга «қизил империя» қурбони Усмон Носир, турғунлик йилларида шўрлик Орол, пахта «ишқ»ида заҳарланган она ва бола қисмати, меҳр-оқибат, иймон ва диёнат темалари ўрин олган.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, тўпламда «Бу кун ғоят оғир ўйларга қолдим», «Мажнунтол», «Кўрарманму?» каби шоир иқтидори даражасидан тушиб кетган, қиёмига етмаган шеърлар ҳам учрайди.

— Умуман, ўйимда, дилимда сақлаб юрган армонларим кўп, — дейди Боқий Мирзо биз билан суҳбатда. — Шулардан бири мустақил республикамизнинг фидойи ўқитувчилари ҳаётидан достон ёзиш. Шунингдек, шеърият султони бобомиз Алишер Навоий, саркарда ва лирик шоир Бобур Мирзо, мумтоз адиб, Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиёти ва санъатида тутган ўрнини ўқувчиларга бутун жозибаси ва малоҳати билан етказсам, дейман.

Бу суҳбат ўтган йили ижодкор ўқитувчиларнинг республика анжумани кунларида бўлиб ўтган эди.

Биз ҳамкасбимизга машаққатли ижод йўлида омад тилаб, шеърият остонасига қўйган қадаминг қутлуғ бўлсин деймиз!

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ,
кекса ўқитувчи.

"ТИМАРТ" Фирмаси
ЭЖК маркали
озиқ-овқат
ОҚ
ТУНУКАСИНИ
таклиф
қилади
ўлчови
712x820x0,22 мм
Гост 13345-85
Тел.: (3712)
91-02-32, 91-60-01.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Ашурали АҲМЕДОВ, Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тоғлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар Умида Абдуазимова, Дилбар Хўжаева.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—756. 86503. нус хада босилди, ҳажми 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти— 20.00. Топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6.